VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

45 (53) 2009 йил 18 ноябрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Қайтиб келмас фурсат

Вақт шиддат билан жуда тез ўтаётгандай. Вақтга қўшилиб, фурсат ҳам, имкониятлар ҳам оқиб бормоқдаки, бундан бўш вақтни топиш амримаҳол. Аслидачи? Аслида ҳар бир юмушни ўз вақтида бажариб, режа асосида иш қилсак, албатта бўш вақт топилади.

6-бет ←

Иқлим ўзгариши ва қуёш фаоллиги

Айни пайтда мазкур масалалар дунё олимларини жиддий хавотирга солмоқда. Куни кеча Лондонда ривожланган мамлакатлар делегациялари иштирокида ҳамда Сингапурда ташкил этилган халқаро анжуманда ҳам иқлим ўзгаришининг олдини олиш масаласига эътибор қаратилди.

7-бет ←

Қулай ва ишончли хизмат

Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши молия муассасалари фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

8-бет ←

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
- Журналистлар билан учрашув
ЎзМТДП — ТАШКИЛОТЛАРИДА 3-бет
- Сайлов қонунчилигига бағишланди
- Оила — тарбия маскани
- Қишлоғимиз фидойилари
- Самарали мулоқот
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Репортёр маҳорати
- Тилшуносликнинг долзарб масалалари
МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Қорақалпоқ бахшиси
- "Ўзбеккино" тақдим этади
- Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши
ЖАРАЁН 6-бет
- Адвокатура институти такомиллашмоқда
- Дастурлар амалда
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
- Қора денгиз
- Дунёдан дараклар
КЎЗГУ 8-бет
- Қулай ва ишончли хизмат
- Турфа олам



Ёшлар Ватан келажаги

ТАРАДДУД

Имконият ва масъулият

Сайлов кампанияси даврида партиядошларимиз буни янада теран ҳис қилишмоқда

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида жамиятимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Шу муносабат билан сиёсий партияларнинг сайловга тайёргарлиги кун сайин жонланиб бормоқда. Бунинг амалий ифодаси жойларда ўтказилаётган сиёсий-мафкуравий тадбирлар ва тарғибот ишларида ўз аксини топмоқда.

Албатта, сайлов билан боғлиқ тадбирлар сайловларни юксак савияда, қонун талаблари доирасида ўтишини таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Яна бир жиҳати ҳам борки, сайловлар сиёсий партиялар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Улкан масъулият талаб қиладиган синов олдида турган ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзоларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

(Давоми 2-бетда)

Диққат обуна!

«Milliy tiklanish» газетасига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Индекс: 158

ИФТИХОР

Ватан тимсоллари, давлатимиз рамзларига агар кўнгил кўзи билан қарасак, уларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб, алоҳида китоб эканлигини англаймиз. Хўш, уни ким ўқий олади? Ким бу рамзлар моҳиятидаги эзгу ниятларни теранроқ англай олади?

Байроғимиз — фахримиз, ғуруримиз

Албатта, биринчи галда ўз Ватанини чин дилдан сева олган, ўз халқини ардоқлашга қодир, ўз тақдирини юрти тақдири билан чамбарчас боғлиқ кўра оладиган инсон ўқийди, англайди. Бундай инсонларни миллат ҳам халқ ҳам ўз навбатида энг олий мақомга кўтаради.

Ватанимиз байроғи, байроқ билан боғлиқ туйғулар таъсирчан лаҳзалар ҳақида ўйлаганимда негадир беихтиёр кўз олдимга Сиднейда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинлари келаверади:

(Давоми 4-бетда)

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммедов олиб борди. Йиғилишда дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ялпи ички маҳсулот 8 % га ўсганилиги, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, инвестиция амалга ошириши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 28 % га ўсиши таъминлангани, шу жумладан, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2,1 бараварга кўпайганини таъкидлади.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги,"Суд экспертизаси тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10- ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 153 та моддасига, шу жумладан кодекснинг умумий қисмида 38 та моддага ва махсус қисмида 115 та моддага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Солиқ кодексининг ўзбек тилидаги матнининг 37 та моддасига мавжуд турли хил талқин қилишлар ва ушбу кодексда қўлланиладиган тушунчаларни бошқа қонунлар билан мувофиқлаштириш мақсадида таҳририй ўзгартишлар ҳам киритилмоқда.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи-назари ишлаб чиқилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАРАДДУД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:



- Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни кузатар эканмиз, халқимиз қисқа вақт ичида амалга оширилган буюк ўзгаришларнинг бевосита иштирокчисига айланиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу энг аввало, одамларнинг сиёсий онги, маданияти ва фаоллиги тобора юксалиб боришида яққол намоён бўлмоқда. Халқимиз жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг тарихий аҳамиятини ҳам чуқур англаб етмоқда. Шундай экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга депутатлик учун бошланаётган бу галги сайловлар сиёсий рақобат тусида ўтиши муқарар. Бинобарин, шу куни сайловчилар ислоҳотларни қандай амалга ошириш борасидаги ғояларига ишонтира олган сиёсий партиялар номзодларигагина овоз беришини унутмаслигимиз керак. Бундан кўриниб турибдики, энг аввало, халқимиз юрт тинчлиги, фаровон турмуш, фарзандларининг бахти учун овоз берадилар. Иккинчидан, бу галги сайловнинг аввалги сайловлардан фарқли жиҳати унинг юқори савияда ўтишини таъминлайдиган сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши ҳамда сиёсий партиялар ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириб, уларнинг давлат бошқаруви идоралари фаолиятига таъсирини кучайтирадиган Конституциявий Қонуннинг кучга киришидир. Шу боис, биз бу муросасиз баҳсга киришар эканмиз, партиянинг кўп минг сонли аъзолари, хайрихоҳлари, партиямиз ғоя ва мақсадларига ишонган электоратимиз олдидаги масъулиятни ҳамда ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларни чуқур англашимиз лозим. Албатта, бундай муҳим жараёнда сайловдан сайловгача бўлган даврдаги амалий ишларимизгина муваффақиятимизни таъминлаб беради.

Айни пайтда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан тарғибот ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтишни истардимки, бугунги кунда Жўқорғи Кенгесдаги мавжуд фракциялар орасида партиямиз фракцияси сон жиҳатдан энг кўп ўринни эгаллайди ва айнан шунинг ўзи ҳам партиядошларимизга жамиятимиз равнақига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этишга имкон яратиб берди. Бундан партиялар ўртасидаги баҳс-мунозараларда муносиб иштирок этиб, сайловларда муваффақият қозониш фаолиятимизда қанчалик муҳимлиги кўриниб турибди. Шу боис бирдамлик билан кураш олиб бориш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари иши самарадорлигини ошириш каби вазифаларимизни амалга оширишда бир лаҳза ҳам фаолликни унутмаслигимиз керак. Фақат шундай амалий саъй-ҳаракатимиз орқалигина бўлажак сайловларда кўпчилик сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришамиз ва электоратимизнинг партиямиз билан боғлаётган эзгу ниятини рўёбга чиқара оламиз.

ЎзМТДП фаоллари

Имконият ва масъулият

Сайлов кампанияси даврида партиядошларимиз буни янада теран ҳис қилишмоқда

Емберген БАУЕТДИНОВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

- Назаримда бу йилги сайлов жамиятимиз ҳаётида катта бурилиш, юксалишлар даври билан боғланаётир. Бу ижобий ўзгаришлар, авваламбор, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг янада фаоллашуви, қонун ижодкорлиги фаолияти даражасининг ўсиши, мамлакатнинг демократик янгиланишида партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ўз навбатида, одамларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданияти ортиши, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабати шаклланишида ўз инъикосини топмоқда. Партиямизнинг сайловолди фаолияти ҳам айнан шундай тамойилларда сиёсий партияларнинг кучайиб бораётган беллашуви, қизғин сиёсий рақобат тусида ўтишини башорат қилмоқда. Бу дегани, бугунги шароитнинг ўзи сиёсий партиялар фаолиятини янада жонлантириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Айни пайтда жойларда сайловларга тайёргарлик кўриш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хусусан республикамиз барча шаҳар ва туманларида партиямиз томонидан қабул қилинган сайловолди иш режаси асосида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда сайловларга тайёргарлик ва бу жараёнда ЎзМТДПнинг ўрни мавзуси муҳокама марказида бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, жойлардаги партия ташкилотлари мазкур вазифаларга катта масъулият билан ёндошиб, сайловчилар имзосини йиғиш, партиямизнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Шунинг баробарида аҳоли орасида турли хил мавзудаги учрашувлар ва давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар, оммавий-сиёсий, маънавий-маданий тадбирлар ўтказиш орқали одамлар ичига янада чуқурроқ кириб бориш, партия Дастурини кенгроқ танитиш, шунингдек аъзолар сонини кўпайтиришга эришилмоқда. Амалий саъй-ҳаракатлар эвазига бугунги кунга келиб Қорақалпоғистонда партия аъзолари сони 10730 нафардан ошди. Шу маънода, Нукус шаҳри, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Қўнғирот, Кегайли туман партия ташкилотлари шаҳар ва туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз мавқеи ва ўрнини мустаҳкам эгаллаганлиги кузатилди. Ўтказилаётган тадбирларда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзолари Улуғбек Жалменов, Жамиля Ниязова, Нагмет Айимбетов, Кенгесбой Реймов, Бердах Жарекеев, Кенжебой Худайберганов ва партия сафидаги бошқа тарихчи, сиёсатчи олимлар, ҳуқуқшунослар, ижодкорларнинг иштироки шунингдек, уларда ташкил этилаётган халқ амалий усталари, ёш ҳунармандлар, рассомлар кўргазмалари, бадиий дастурлар тадбирлар таъсирчанлиги ва самарасини ошириш билан бирга иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сайловолди сиёсий-маърифий, тарғибот ишларига тўхталар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, тадбирларимиз мазмуни моҳияти партия Дастурида белгиланган мамлакатимиз фуқароларида миллий ўзликни англаш, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш, айниқса ёшларимизни миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизни асраш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдек вазифаларни ҳаётга татбиқ этишни қамраб олаётганлиги билан аҳамиятлидир. Ўйлайманки шу орқали бошланаётган катта синовда электоратнинг, қўллаб-қувватлашига эришиш, унда муваффақият қозониб, вакиллик органларидан муносиб ўрин эгаллашимиз мумкин.

Кенжебой ХУДАЙБЕРГАНОВ, ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:



- ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши ўтган вақт ичида халқ орасига чуқур кириб боришга интилиб, асосий эътиборни партиянинг мақсад ва ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш, жойлардаги партия ташкилотларининг ишини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ечишга қаратди. Жорий йилда халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайланган депутатлар билан ҳамкорликда ўтказилган сиёсий-маърифий тадбирлар жумладан, «Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони», «Баркамол ёшлар-обод Ватан келажаги» каби республика кўрик-танловлари партиямизни танитишда, сафимизда етакчи хотин-қизлар ва ёшлар сонини кўпайтириш ҳамда электоратимиз ишончини мустаҳкамлашда ўзига хос ўрин тутди. Эндиги вазифамиз мақсад-ғояларимиз одамларнинг орзу интилишларига қанчалик ҳамоҳанглигини сайловолди ва сайлов жараёнида яна бир бор намоён этишдир. Зеро, бугунги жамият тараққиёти сиёсий партияларга янги вазифалар юкламоқда.

Яна бир эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳат бўлиб ўтадиган сайловларда муваффақият қозонишга қаратилган саъй-ҳаракатларни сусайтирмасдан давом эттиришдир.

Алоуддин ТУРДИБОЕВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари:



- Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида тарғиб қилиш ва партия сафига уларни кенроқ жалб этиш мақсадида ташкил этилган «Ёшлар қаноти» аъзолари бугунги кунга келиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланаётганлиги албатта қувонарлидир. Эндиликда, партия Дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ҳаракатимиз томонидан олиб борилаётган амалий ишларни янада жадаллаштириш, уни сифат жиҳатдан янги поғоналарга кўтариш биздан янада фаолликни талаб этмоқда. Биз жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларда шунчаки кузатувчи бўлиб эмас, балки ўзимизни халқимиз келажаги, юртимиз равнақига дахлдор деб билган ҳолда фаол иштирок этишимиз лозим. Бунинг учун ҳозирданоқ ўқув муассасалари, тўгарак ва спорт секцияларида ёшларга маъқул бўладиган, таъсирчан усуллардан кўпроқ фойдаланган ҳолда кенг кўламли оммавий-сиёсий тадбирлар ташкил этаяпмиз.

Шунингдек, ёшларимизни маънавий-руҳий дунёси бой, сиёсий жиҳатдан билимли ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, турли ёт ғоялар ва ташқи таҳдидлардан асрашда миллий истиқлол ғояси, асрлар бўйи сайқал топиб келаётган аждодларимизнинг миллий-маънавий мероси, билим ва кўникмаларидан самарали фойдаланиш фаолиятимизда доимо ўз амалий ифодасини топиши зарур.

Илья ДИЛЬМАНОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?

- Қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш рад этилади?

Бобур ТУРОБОВ, Қашқадарё вилояти, ҳунарманд

- Аввало номзодни рўйхатга олишни рад этиш асослари – аниқланган тақдирда Марказий сайлов комиссияси тегишли номзодни рўйхатга олишни рад этиш ҳуқуқига эга.

Биринчидан, сиёсий партиялар томонидан имзо тўплашнинг сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибидан четга чиқилган бўлса, иккинчидан сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ номзод тақдим этган ёки номзодга оид маълумотлар (оғир ва ўта оғир жиноят содир этган бўлса, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ва ҳоказолар) сохталаштирилган бўлса номзодни рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Номзодни рўйхатга олишни рад этишнинг бошқа асослари ҳам мавжуд. Масалан, номзод ёки унинг ишончли вакиллари томонидан сайловчилар овозини сотиб олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар амалга оширилгани ўз тасдиғини топиши номзодни рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўла олади.

Яна, шунингдек, сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган ёки 25 ёшга тўлмаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

- Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини қачон ва қай тартибда қабул қилиб оладилар, сайлов бюллетенларини қалбакилаштиришнинг олди олинганми?

Саид РАШИДОВ, Андижон вилояти, шифокор

- Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Бундан ташқари, участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Сайлов бюллетенини тасдиқлаш – сайлов бюллетени юзасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўйиши ва имзоларнинг участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланишидан иборат сайлов амалиёти мавжуд.

Мақсад қалбаки (сохта) бюллетенлардан фойдаланишни олдини олишга қаратилган қўшимча кафолатларни таъминлашдир. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

- Сайлов бюллетени у қандай ҳужжат ва унга қандай талаблар қўйилади?

Қувонч КОСБЕРГЕНОВ, Қорақалпоғистон,талаба

- Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади, иккинчидан, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади, учинчидан, сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак, тўртинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади.

Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Сайлов бюллетени – бу сайловчига сайловларда овоз бериш учун тақдим этиладиган ва унинг томонидан шахсан тўлдириладиган, сайловчининг хоҳиш-иродаси ифодасини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлиги сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Сайлов бюллетенининг шакли ва матнининг тасдиқланиши жуда кўп давлатлар тажрибасида ҳам мавжуд.

Жавобларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акрам ЖУМАЕВ тайёрлади.

ҲАМКОРЛИК

Маннон ОТАБОЙ, «Milliy tiklanish» мухбири

Журналистлар билан учрашув

Журналистлар тарқатган ахборотлар юртимизнинг ҳар бир хонадонига газета, электрон тармоқлар ёки радио ва телевидения орқали кириб боради. Тўртинчи ҳокимиятнинг асосий вазифаларидан бири, бу-жамиятнинг икки таркибий қисми бўлган давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни умумманфаат йўлида бирлаштиришдир. Бу Ўзбекистон «Миллий тиклаиш» демократик партияси дастурий ғоя ва мақсадларини халқимизга етказишда ҳам қулай имконият десак, хато бўлмайди.

Эътироф этиш керак ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни дурустгина йўлга қўйган. Яқинда партия вилоят кенгаши Бухоронинг гўзал, тарихий ёдгорликларидан бири — амирларнинг «Ситораи Моҳихосса» деб номланувчи ёзги саройида вилоятдаги барча ОАВ вакиллари иштирокида «Сайлов жараёнларини жамоатчиликка кенроқ ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусида семинар ташкил этди.

Семинарда вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати, вилоят ва туман газеталари ходимлари ҳамда тележурналистлар қатнашдилар.

Иштирокчилар семинарда «Ўзбекистонда сайлов тизими тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш асосий омиллари», «Сайлов жараёнларини жамоатчиликка кенгроқ ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни», «Сайлов жараёнларида ижтимоий фикрни шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли», «Сайлов жараёнини кенг жамоатчиликка етказишнинг воситалари» ҳамда «ЎзМТДПнинг сайловдаги иштироки» мавзуларида мутахассисларнинг маърузаларини тинглашди.

Семинарда сўз олган «Бухоронома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари А.Халилов, «Галаосиё овози» газетаси муҳаррири Б.Ражабов, «Ромитоннома» газетаси муҳаррири Ж.Фозиловлар ОАВларининг сайловлардаги ўрни ҳақида гапириб, мазкур тадбир ЎзМТДП томонидан ўз вақтида ташкил этилганлигини алоҳида таъкидладилар.

- Тадбир ўтказилаётган жой ҳам бугун халқимизнинг миллий тарихий бойлигига айланди,- дея фикр билдирди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Усмонов. - Партиянинг асл мақсади ҳам миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган. Бундай эзгу мақсадларни тарғиб-ташвиқ этишда албатта, биз оммавий ахборот воситаларига таянамиз.

Тадбирда партиянинг вилоят ҳамда шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятини мунтазам ёритиб боргани учун «Бухоро телерадиокомпанияси» мухбири Х.Гимранова, «Олот ҳаёти» газетаси бўлим бошлиғи А.Ҳамроев, «Коинот» телеканали мухбири У.Турсунов, «Шофиркон овози» газетаси муҳаррири М.Носиров, «Вобкент ҳаёти» газетаси муҳаррири Т.Ҳусенов ва яна бир гуруҳ журналистлар партиянинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир сўнггида қадимий шаҳардаги «Академик ва халқ бадиий жамоалари» дастасининг жонли куй-қўшиқларига уланди. Бухоро шашмақом куйлари расталарга ёйилган ҳунармандчилик маҳсулотларига жозибадорлик бахш этгандек бўлди, гўё. Бу тадбир иштирокчилари таассуротларида ҳам акс этди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЖАРАЁН

Сайлов қонунчилигига бағишланди

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий жараён-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов куни тобора яқинлашмоқда. Жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган ушбу сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиш ҳар бир сиёсий партия олдида турган масъулиятли вазифа саналади.

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари томонидан жойларда олиб борилаётган ишларда ҳам асосий эътибор партия дастурий мақсад ва ғояларини тарғиб қилиш билан биргаликда, фуқароларни сайлов тизимига киритилган янги ўзгаришлар билан батафсил таништиришга қаратилмоқда.

Жумладан, ЎзМТДП Бешариқ туман кенгаши "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказган "Сиз қонунни биласизми?" мавзусидаги тадбир иштирокчиларнинг сайлов қонунчилиги борасидаги билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Тадбирнинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, унда сайловда илк бора қатнашадиган бир гуруҳ ёшлар ҳам иштирок этишди ва сайлаш, сайланиш ҳуқуқи, мамлакатимиз сайлов тизими тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлдилар.

Уни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси О.Исомиддинов очди ва жумладан шундай деди:

— Сайловлар халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли ва ҳар бир демократик жамиятда тараққиётга куч берувчи омил ҳисобланади. Юртимизда бўлиб ўтадиган бу галги сайловлар ҳам ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган улкан ислоҳотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Сайловчиларнинг сиёсий савияси ва маданияти, фаоллиги юксаклиги эса ушбу мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнайди.

Аҳоли сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш омиллари нималардан иборат? Бугун бу масалада қандай муаммолар учраяпти? Бу каби саволлар йиғилишда сўзга чиққан "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши раиси Р.Аҳмедов, туман халқ таълими бўлими ходими Ш.Насриддинова, ҳуқуқшунос Ш.Абдураҳимовлар томонидан қилинган маърузаларда атрофлича очиб берилди.

Қизғин тортишувлар, баҳс-мунозаралар асосида кечган тадбир давомида иштирокчилар фикрларини тингладик:

— Мутахассислар иштирокида бўлган тадбирдан кўп нарсани ўргандим,-деди биз билан суҳбатда талаба Элмурод Узоқов. — Сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгартишлар, шунингдек, ЎзМТДП мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишим сайловлар жараёнида танлаш имкониятимни янада аниқлаштирди. Чунки мен партия фаолияти билан таниш-ман ва унинг номзодларига овоз бермоқчиман.

— Мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Бироқ, баъзи кишилар сайлаш, сайланиш ҳуқуқлари моҳиятини англашлари ҳали талаб даражасига етгани йўқ. Партия томонидан тушунтириш-тарғибот ишларининг жадал олиб борилиши эса учраётган шу каби камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади,- дейди яна бир иштирокчи Нодирбек Эркабоев.

Партия тадбиридан лавҳа

2009 ЙИЛ "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

Қишлоғимиз фидойилари

ЎзМТДП Ўзбекистон туман кенгаши томонидан туман «Маҳалла» жамғармаси, туман маънавият тарғибот маркази ҳамда "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида "Қишлоғимиз фидойилари" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Партия туман кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, қишлоқ фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда юртимиз, жумладан қишлоқларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, халқ фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган кенг миқёсли ислоҳотлар хусусида сўз борди.

Уни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Маҳкамов олиб борди ва жумладан шундай деди:

— Мамлакатимизда қишлоқларни ривожлантириш, унда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш шароити ва фаровонлигини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Ислоҳотлар изчиллиги эса қишлоқлар фаровонлигини ошириб, тараққиётини таъминлаши шубҳасиз.

Тадбир бевосита қишлоқ аҳолиси, меҳнаткашларининг бугунги турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, қишлоқ ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқларга доир қизғин суҳбатга уланиб кетди.

— Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланиши, айнан ушбу соҳа мамлакатимиз аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашидан ташқари, иқтисодиётнинг бошқа кўплаб тармоқларига хомашё ресурсларини ҳам етказиб бериши сир эмас,- дейди биз билан суҳбатда "Маҳалла" жамғармаси ходими О.Юлдашев. — Бунда эса қишлоқ одамларининг, жумладан, деҳқону боғбонлар, чорвадорларнинг заҳматли ва фидойи меҳнатлари ётибди. Бу тадбир орқали улар билан дилдан суҳбатлашдик, ютуқ ва муаммолар билан ўртоқлашдик.

— Фермерликка кенг йўл очилгани, тадбиркорликнинг ривожланиши биздан фақат изланишни, меҳнатни талаб этмоқда,- дейди туманнинг "Нурсух" қишлоғида истиқомат қилувчи Л.Эгамбердиев. — Янги иш жойлари яратишга, ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашга, ҳомийлик ва хайрия ишларини олиб боришга катта аҳамият бермоқдамиз. Бу эса одамларнинг эртанги кунга ишончини тобора орттириб, юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда.

Тадбирда қишлоқ фаолларининг бир гуруҳига партия туман кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ТАДБИР

Самарали мулоқот

ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида туманнинг Шихобод маҳалласида "Мустақиллик-маънавий тикланиш ва юксалиш демакдир" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида партия туман кенгаши аъзолари, туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, маҳалла аҳли иштирок этди.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Аҳоли, жумладан, ёшлар онги ва қалбида миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром руҳини ўстириш, глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда улар тарбиясига акс таъсир этаётган турли таҳдидларнинг олдини олиш масалалари иштирокчилар муҳокамасида бўлди. Бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш долзарб вазифа эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Тиллаева, Ших ҚФЙ раиси Р.Оташев бу борада партия туман кенгаши ва маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳақида фикр юритдилар.

— Мустақиллик аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган, жонини фидо қилган улуғ неъмат ва унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. У туфайли ўзлигимизни англадик, бой тарихимиз, миллий қадриятларимиз тикланди ва улар халқимиз маънавий юксалиши йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда,-дейди тадбир қатнашчиси бўлган фермер Ш.Қиличев биз билан суҳбатда. — Истиқлол имкониятларини меҳнат фаолиятимда, эришаётган ютуқларимда ҳам кўряпман.

Тадбир қатнашчиларнинг қизғин савол-жавоблари, баҳс-мунозаралари асосида кечди.

ФАОЛИЯТ

Янги кутубхона

ўқувчилар хизматида

Истиқлол йилларида юртимиз аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бу борада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши ҳам «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда бир қатор хайрли ва эзгу ишларни амалга оширмоқда. Партия вилоят кенгаши ва жамғарма ташаббуси билан ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларидан 65 нафари яқинда Тошкент шаҳридаги «Бўстон» санаториясида соғликларини тикладилар. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари зарур кийим-кечак ва дори-дармонлар билан мунтазам равишда таъминланмоқда.

Яқинда партия вилоят кенгаши аъзоси, жамғарма вилоят бўлими раҳбари Олтиной Эсонова раҳбарлигида катта хайрли иш қилинди. Жамғарма томонидан грантга ютиб олинган 5 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳисобига шаҳар ўқувчи-ёшлари учун «Китоблар олами» кутубхонаси ташкил этилди. Бу эзгу ишни қўллаб-қувватловчи ҳомийлар ҳам топилди. Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва «Zero max» компанияси томонидан 7 минг 500 та турли ўқув дарсликлари, бадиий адабиётлар, компьютер ва бошқа жиҳозлар тақдим қилинди.

Энди ёшлар бу ерга ўзлари истаган вақтда келиб, зарур дарслик ва турли ўқув қўлланмалар, бадиий адабиёт ҳамда компьютерлардан унумли фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари шаҳардаги 2-махсус мактабгача таълим муассасасининг жисмоний тарбия хонаси ҳам турли спорт анжомлари билан жиҳозланди.

«Китоблар олами» кутубхонасининг очилиш тантанаси катта маърифий байрамга айланди. Унда патия вилоят кенгаши аъзолари, депутатлар ва партия фаоллари иштирок этдилар. Тадбир концерт дастурига уланди. Рус-словян маркази қошидаги «Ниҳол» болалар дастаси шўх куй-қўшиқ ва жозибали рақслари билан кечага файз бағишлади.

КАДРИЯТ

Халқимиз оилани азал-азалдан муқаддас даргоҳ сифатида қадрлаб келади. Эл орасида "Оиланг тинч бўлса, юртинг тинч" деган нақл бежизга айтилмаган.

Оила — тарбия маскани

Қумри НАЖИМОВА

Яқинда ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши томонидан Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган давра суҳбати "Оила-миллий қадрият ва тарбия маскани"деб номланиб, мазкур мавзу партия туман кенгаши фаоллари ва маҳалла аҳли томонидан кенг муҳокама қилинди.

— Оила — фарзандларнинг ота-онасига, жамиятга фойдаси тегадиган комил инсонлар қилиб вояга етказишда бирламчи пойдевор саналади,- деди тадбирни очар экан ҚФЙ раиси О.Абдуллаев. — Қоларверса, халқимизда аждодлардан мерос қолган шундай тарбия мезонлари, анъаналар, қадриятлар борки, айнан улар оилаларда асрлар давомида яшаб, сайқал топиб, асраб-авайланиб келинмоқда. Бу ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бир-бирининг ҳолидан хабар олиш, фарзандлик бурчини адо этиш каби миллатимизга хос фазилатларда кўринади. Ёшларимиз онгига мана шу тушунчаларни чуқур сингдириш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайдиган вазифа. Биз маҳаллаларда олиб бораётган маънавий-маърифий ишлар орқали бунга эришишга ҳаракат қиляпмиз.

— Жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оилани мустаҳкамлаш,хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, мамлактимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш бугун мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Р.Бахтиёрова. — Аёлларнинг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишига эришиш оиланинг янада мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъмин этади. Юртимиз эртаси бўлган билимли, зукко фарзандларни ҳам ана шундай аёллар тарбия қилади, камолотга етказади. Партиямизнинг оила масаласига эътибор қаратиши, унда миллий қадриятлар ва анъаналар бардавомлигини асрашга эришишни ўзининг дастурий вазифаларидан бири саналаши негизида ҳам ана шундай улуғвор мақсадлар ётибди,- дея сўзини тугатди нотиқ.

Тадбир қатнашчилари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат ҳам оналар ва болалар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Буларнинг барчаси эса оилалар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга, унда эзгу қадриятлар ва анъаналар қадр топишига хизмат қилади.

Бироқ "гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, бугун оиланинг қадрига етмаётганлар, бу муқаддас даргоҳга беписанд муносабатда бўлаётганлар ҳам учраб турибди. Бунинг учун, аввало, ёшларимизни мактаб ёшиданоқ оилага тайёрлаб бориш, унга ҳурмат руҳини ўстириш муҳимдир. Бу масала иштирокчилар томонидан кенг муҳокама қилинди, фикрлар билдирилди ва муаммони бартараф этиш чоралари ўртага ташланди.

Давра суҳбати ниҳоясида маҳаллаларда бу каби тадбирларни партия фаоллари билан тез-тез уюштиришга келишиб олинди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Маънавий юксалиш жараёнлари:

назария ва амалиёт

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

– Истиқлол туфайли юртимизда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди,- деди ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов "Маънавий юксалиш жараёнлари: назария ва амалиёт" мавзусида Бухоро касб-ҳунар коллежида ўтказилган илмий-амалий анжуманда. – Миллий юксалишнинг негизи тарихий ўтмишга бориб тақалади. Азал-азалдан юртимиз маданият ва илм-фан ўчоғи бўлиб келган. Шундай экан, биз бундан кейин ҳам улғайиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, миллий маънавиятимиз асосини улар онгига сингиришимиз лозим. Бунда эса албатта Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда партия фаоллари, ФЖЎИ вилоят ахборот-таҳлил маркази вакиллари, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши аъзолари иштирок этиб, "Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши", "Маънавиятни англашда миллий мерос ва сўзнинг қудрати", "Маънавиятда комил инсон тарбияси", "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маънавият ва маърифат талқини" каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Илмий-амалий анжуманда талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Фаол иштирок этганларга партия томонидан эсдалик совғалари топширилди.

* * *

- Келажакка етук, баркамол ёшларни тарбиялаб, вояга етказиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади, - деди Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Отаназар Чўпонов 7-умумтаълим мактабида ўтказилган "Буюк келажак сари" мавзусидаги тадбирда. – Партия бир қатор ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни касбга йўналтириш турли салбий оқимлар таъсиридан асраш мақсадида қатор тадбирлар, ўқув-семинарлари ўтказиб келяпти.

Тадбирда иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчилар партия фаолияти билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган савол-жавобларда фаол иштирок этган ўқувчиларга партия шаҳар кенгаши томонидан совғалар тақдим этилди.

ЎзМТДП шаҳар кенгаши 5-умумтаълим мактабида "Ёшлар миллий давлатчилигимиз ва миллий манфаатларимиз таянчи" мавзусида ҳам давра суҳбати ўтказди.

Партия фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда нотиқлар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизди ёш авлод тарбияси, келажаги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракат, ташаббуслар, унинг ижобий самараси барчани билим олишга, маънан етук бўлишга ундаётгани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

– Мустақиллик йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ёш авлоднинг иқтидорини намоён этиши учун кенг йўл очиб беряпти,- деди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси Р.Худойқулова. – Партиямизнинг ҳудудий ташкилотлари томонидан таълим йўналишларида турли тадбирлар ўтказиб келиняпти. Жумладан "Ёшларга таълим беришда мураббийларнинг ўрни" мавзусида Сариосиё, Узун, Қумқўрғон туман кенгашлари мактабларида давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ташкил этишди. Унда фарзандларимизнинг қандай билим олаётганлиги чуқур таҳлил қилинди.

– Ёшлар мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида чуқур билим олиш билан бирга, эркин фикрлаш, янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ўрганишмоқда, - деди тумандаги 28-мактабда ўтказилган тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Сариосиё туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси О.Жўрабекова. – Болалардаги иқтидорни, истеъдодни, турли касбларга бўлган қизиқишлари ва қирраларини очишда, уларни рағбатлантиришда устоз ва мураббийларнинг ўрни катта.

– Барчамиз илк бор мактабга борган кунимизни, қўлимизга илк бор қалам тутқазиб ҳарф ёзишни ўргатган биринчи ўқитувчимизни унутмаймиз,- деди ЎзМТДП Узун тумани кенгаши Ижроия қўмитаси раиси У.Алиқулов тумандаги 3-сонли мусиқа мактабида бўлиб ўтган тадбирда. – Халқимиз азал-азалдан илму-маърифатли ва зиёли инсонларни эъзозлаб уларга эргашиб келган. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аллома боболаримиз ҳам устозлардан сабоқ олганлар. Умри давомида миллат тақдир учун хизмат қиладиган мураббийларни қанча эъзозласак кам.

– Ўқитувчиларимиз ҳамиша ўз устиларида ишлашлари лозим. Бугунги ёшлар кечагидан анча фарқ қилади,- деди 44-мактабда ўтказилган тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Қумқўрғон туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ч.Раҳмонов. – Педагог-кадрлар малакасини ошириш борасида ҳар йили режага асосан мураббийларимиз малака ошириб келишлари лозим. Халқ таълими вазирлиги томонидан 2008-2009 ўқув йили таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили деб белгиланганлиги боис вилоятимиздаги ҳар бир мактабда қилинаётган мақтовга арзирли амалий ишлар янада кўпайса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадбир сўнггида ижодкор ёшлар ўзлари тайёрланган бадиий дастурини намойиш этишди ҳамда фахрий ўқитувчи ва мураббийларга партия фаоллари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзМТДП Учқўрғон туман кенгаши Қўғай ҚФЙ ва Пахтачи МФЙ ҳамкорлигида "Огоҳлик давр талаби" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда партия, маҳалла фаоллари, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ва туман ИИБ бўлими вакиллари иштирок этишди.

– Глобаллашув жараёнида турли таҳдидлар, маънавий, ахборот хуружларининг кучайиши, уларнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳамда ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатаётгани барчамизни ташвишга солмай қўймайди, албатта,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Жўраев. – Ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ҳолатлари асосан ёшлар орасида пайдо бўлмоқда. Шу боис жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳамда маҳалла фаоллари ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, одам савдоси ва маънавий таҳдидларнинг олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб боришлари ва уларни ҳамиша огоҳликка чақиришлари зарур.

Давра суҳбати сўнггида ИИБ ходимлари томонидан мавзуга доир телефильм намойиш этилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ИФТИХОР

Байроғимиз — фахримиз, ғуруримиз



(Давоми. Боши 1-бетда)

- Ана, Муҳаммадқодир Абдуллаев Олимпиада ғолиби деб эълон қилинди. Ринг ичида Ўзбекистон байроғини кўтариб мағрур ва масрур давра айланмоқда. Ғолиб шарафига Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранглаб, бошқа икки давлатнинг байроғининг ўртасида, улардан юқорида байроғимиз кўтарилмоқда. Муҳаммадқодир қўлидаги байроқни маҳкам бағрига босганча мағрур турибди. Кўзларида севинч ёшлари... Танимни ёқимли титроқ чулғайди, кўзларимга ёш қалқийди. Бу ҳолни тушунтириб, ифодалаб бериш қийин. Лекин аминманки бу туйғу нима эканлигини Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир инсон яхши англайди, юракдан туяди.

Шуни фахр билан айтамизки, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз спортчилари Олимпиада ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, нуфузли спорт мусобақаларида ўнлаб, юзлаб марта Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга эришдилар.

Ҳа, байроқ кишига ана шундай ғурур ва ифтихор бағишлайди. Байроқ — ҳар бир давлатнинг, давлат мустақиллигининг асосий рамзларидан биридир. Ҳеч шубҳасиз, унда халқнинг тарихи, бугуни, мустақил ва мустаҳкам давлат барпо этиш борасидаги эзгу ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги орзу-мақсад, интилишлари, салоҳияти, ғурури акс этади.

1991 йил 18 ноябр биз Ўзбекистон фуқаролари учун ниҳоятда қадрли ва унутилмас кундир. Шу куни "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Шу кундан эътиборан биз бу кунни Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган муҳим сана сифатида байрам қиламиз.

1992 йил 2 мартда яна бир муҳим воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Бугун у давлатимиз Мустақиллигининг жаҳоний ифодаси, халқимиз ғурури, ифтихори, орзу умидининг рамзи бўлиб хилпираб турибди.

Қонуннинг 2-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир". Қонуннинг 3-моддасида айтилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади".

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик доимо миллат рамзлари, Ватан тимсолларига энг азиз ва муқаддас қадрият сифатида эъзозланган. Туғ-байроқни асрашга миллат, халқ, давлатнинг ор-номусини асраш қадар юксак қаралган. Тарихий манбаларда қайд этилишича Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи жуда катта аҳамият касб этган экан. Муқаддас рамзлар, хусусан, туғ-байроқни асраб қолиш учун аждодларимиз ҳатто ўз жонларидан ҳам кечганлигини кўрсатувчи талай мисоллар бор. Байроқ билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат шунда бўлганки, жангу-жадалларда байроқнинг қулаши ёки ғаним қўлига ўтиши мағлубият билан баробар турган. Шу сабабли жангу-жадалларда давлат байроғини энг ишончли баҳодирлар, паҳлавонлар қўриқлашган.

"Ким ўз юртини севмаса — у ҳеч қачон ҳеч нимани сева олмайди", дейдилар. Таъбир жоиз бўлса, бизнинг Она Ватанга, шу муқаддас тупроққа бўлган муҳаббатимиз, миллий рамзларга бўлган муносабатимиз орқали ҳам шаклланади.

Ўйлаб кўринг, нима учун байроқ доимо баланд туради. Бош узра ҳилпирайди? Негаки, у пойида миллионларни бирлаштиради. У инсонга куч ва қудрат бахш этади. Мақсадни тарбиялайди, иродани тоблайди. Оғир жанг холатларида у йиқилганни турғазади, қўрқувни жасоратга, заифни матонатли инсонга айлантира олади.

Ўз навбатида ғурур билан байроқни кўтарган инсон минглаб қалбларга байроқ тика олади.

Қалбнинг байроғи – миллий ғоя, миллий ғурурдир. Ўз миллий ғоясига эга бўлмаган, инсон, жамият, давлат йўлини йўқотиб қўйиши, кўзлаган мақсадига етолмаслиги мумкин. Аслида байроқсиз қалб бўлмайди. Байроқсиз қалбга ўзгалар ўз байроғини тикишга ҳаракат қиладилар. Ота суратини қандай эъзозлаймиз? Она тасвириничи? Қани бирортаси ота-онамиз суратини йиртсин, беҳурмат қилсинчи? Ватан тимсоли, озодлик рамзларига биз учун шу қадар муқаддас деб асрашимиз керак.

Қонуннинг 13-моддасида айтилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган тартибда жазоланади".

Дунёда шундай жиноят борки, уни хеч қачон, ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу Ватанга хиёнатдир. Қандай одамлардан хиёнат чиқади? Албатта, кўнглида ўз юртининг байроғи йўқ кимсалардан! Байроққа хиёнат инсоннинг ўзлигига, томирида оқаётган қонга, аждодлар руҳига хиёнатдир.

Яна тарихий манбаларни варақлаймиз: "Жалолиддин Мангуберди ўзидан сон жиҳатдан устун мўғуллар қуршовини ёриб чиқиб от билан ўзини дарёга ташлайди. Бир қўлида от тизгини, бир қўлида юрт байроғи! Шунда Чингизхон ношуд ўғилларига қарата ўкинч билан шундай дейди: "Фақат бахтли отагина шундай ўғилга эга бўлади!"

"Мўғуллар Гуржанчни қамал қилдилар. Гарчи Чингизхон бир неча маротаба 76 ёшли шайхга элчи юбориб, унинг саломат қолишига кафолат бериб қалъани тарк этишга даъват этса-да, Нажмиддин Кубро: "Киндик қоним тўкилган, менга меҳр-муҳаббат кўрсатган Ватаним учун курашиб ўлиш ҳуқуқини мендан ҳеч ким тортиб ололмайди", дея бу таклифни рад этади. У Ватан байроғини баланд кўтариш баробарида ўзи ҳам байроққа айланади. Ватан ишқи, озодлиги йўлидаги инсоний бурч умрида ҳатто ўнлик лашкарни ҳам бошқариб кўрмаган буюк олим, донишманд Нажмиддин Куброни мўғулларга қарши қаҳрамонона жангга отланган қўрқмас қўмондон, мард жангчига айлантиради. «Ё Ватан, ё шарафли ўлим!» дея элга бош бўлиб шаҳар мудофаасини ташкил этишга отланади.

Бу жанг она ватанимиз тарихидаги энг шонли, шунингдек энг фожиали саҳифалардан бири бўлди. Шайх бошчилигидаги мудофаачилар Ватаннинг юраги бўлмиш Гурганч ҳимоясини ор-номус ҳимояси, деб биладилар. Бундай туйғу барча лашкарни қамраб олади. Натижада ҳар бир курашаётган жангчи, мудофаадаги халқ, катта-ю кичик Ватан учун курашиб ўлишни фахр ва шараф деб ҳисоблайдиган руҳан енгилмас кучга айланади. Ўлимни мардона қарши олиш, ундан қўрқмаслик ҳақидаги улуғ шайхнинг даъвати мўғуллар бераётган қурбонлар сонини кескин ошириб юборади. Шайхнинг даъвати мудофаачилар қалбидаги ўлим ва мардлик тушунчаларини уйғунлаштириб юборади. Шаҳарда тирик жон борки мудофаачига айланди. Шайх душман байроғига чанг солганча ҳалок бўлади".

Таъбир жоиз бўлса ўша пайтда Нажмиддин Кубро учун давлати, замини, халқи бир байроқ эди...

Байроқ олдида қасамёд, байроқ олдида тиз чўкиб уни ўпмоқ бу Ватанга эъзоз, бу Широқ, Тўмарис, Маҳмуд Торобий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, саркарда Алимқул каби ватанпарвар ва енгилмас аждодлар руҳига эъзоздир!

Асл ватанпарварлар байроқни эъзозлаш орқали бурч поғанасидан шараф шоҳсупасига кўтариладилар.

Бугун Ватанимиз байроғи озод Ватанимиз узра ҳилпираб турибди. У бизни юртимиз тинчлиги, ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириб, ҳамиша мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асрашга, буюк аждодларга муносиб ворис бўлишга, юксак ишонч ва қатъият билан келажакка қадам ташлашга даъват этиб турибди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш-ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шуҳратини оширади".

Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МИНБАРИ

Репортаж ахборот беришнинг бир тури бўлиб, бунда журналист воқеа-ҳодисанинг бевосита гувоҳи бўлиб, ўша жой муҳити, манзараси, одамларнинг кайфияти, воқеа-ҳодисалар жараёнини (сўз ёки видеотасвир воситасида) шундай тасвирлайдики, репортажни ўқиган, радио тўлқинлари орқали эшитган ва телевидение воситасида кўрган ҳар бир киши шу пайтгача берилган янгиликлар ва қисқа ахборотларга нисбатан тўлиқроқ тасаввурга эга бўлади. Матбуотдаги репортажларда воқеа-ҳодисалар, атроф-муҳит манзараси, одамларнинг кайфияти ва ҳоказо жиҳатлар асосан сўз воситасида берилади. Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган "Босма ва интернет нашрларида репортаж танлашнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзуидаги семинар-тренингда шу ҳақда сўз юритилди.

Репортёр маҳорати

Репортаж сўзининг ўзаги *"report" (репорт)* бўлиб, унинг бир неча хил маънолари бор. Лекин бевосита журналистикада ишлатиладиган атама моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, *"ахборот бериш, сўзлаб бериш, тасвирлаб бериш"* каби маъноларни англатади. Репортажни ёзадиган журналистлар ҳам бежиз репортёр деб аталмайди. Янги асрда инсониятни тараққиётга элтадиган барча соҳалар ахборот алмашинувининг тезлигига қараб ривожланди. Ҳозирги кунда ахборот жамиятининг афзалликлари ҳақида бот-бот фикр юритилмоқда. Ўтмишда бозорлар, тўй-маъракаларда одамлар ўзаро фикр алмашишган, муҳим хабарларни билишган ва ўз юртларига қайтиб халққа етказишган бўлса, бугунга келиб бу вазифани газета, телевидение, радио ва ниҳоят, энг янги воситалардан бири интернет тармоғи бажармоқда.

– Ҳаёт шиддат билан давом этар экан, дунёнинг ҳар бир нуқтасида воқеа-ҳодисалар бўлиб тураверади, - дейди журналист Назира Қурбон қизи. – Уларнинг ҳеч бирини қолдирмай халққа етказиш жуда мушкул. Бугунги оммавий ахборот воситалари бу воқеа-ҳодисаларнинг энг аҳамиятли, энг қизиқарлиларинигина танлаб чоп этиш, эфирга бериш, интернет тармоғи орқали тарқатишга ўтди. Яъни, хабарлар "муҳим" ёки "муҳим эмас"га ажралди. Журналистиканинг бу қадар ривожланиши натижасида муҳим хабарни англатадиган янги атама янгиликлар кириб келди. Бугун дунё матбуотида янгиликнинг аҳамияти катта. Матбуот нашрларининг биринчи саҳифалари янгиликларга ажратилади. Радио ва телевидение орқали намойиш этиладиган ва ҳаво мавжларига узатиладиган ахборот дастурлари ўзларининг биринчи мавзуларини янгиликлар билан бошлайдилар.

– Хориж мутахассислари репортёрликка алоҳида истеъдод талаб этувчи соҳа сифатида қарашади, - дейди тадбир иштирокчиси Наргиза Тўхлиева. – Бу борада ахборот тарқатишгагина асосланган журналистика назариясида ахборот тўплаш, ёзиш ва тайёрлаш маҳоратини оширишга қаратилган аниқ тавсиялар, қонун-қоидалар ишлаб чиқилган. Мазкур ўзига хосликларнинг айрим жиҳатларини ўзбек журналистикасига жорий қилиш, уни амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда катта аҳамият касб этади. Зеро, ахборот жанрларининг ривожи жамият аъзоларига мунтазам тарзда ва ранг-баранг шаклда ахборот етказиб турилишини таъминлайди ва ахборот танқислигини бартараф этади. Қолаверса, ахборот танқислиги оқибатида турли мақсадларни ўз олдига қўйган манфаатдор кучлар томонидан уюштирилувчи «ахборот хуружлари»нинг олдини олиш учун ҳам бу ўзига хосликлардан бохабар бўлиш ғоят муҳимдир.

Таъкидланганидек, юртимизда қатор давлат ва нодавлат, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари мавжудки, уларнинг ҳар бири ўз йўналиши ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур ахборотни жамоатчиликка етказиш билан шуғулланади. Ана шундай катта ахборот оқимини йўналтириш, уни керакли ва тушунарли тарзда аудиторияга тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда ахборотни саралашдан тортиб керакли шаклда ёза олишгача бўлган жараёнда журналистга катта маҳорат ва билим зарур.

Тадбир давомида "Репортёрлик маҳорати" ўқув қўлланмасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўқув қўлланма миллий матбуотимиз анъаналари ва ривожланган демократик давлатлар оммавий ахборот воситалари тажрибаси асосида тузилган бўлиб, талабаларга бугунги матбуотнинг асоси бўлган янгиликлар, репортаж, интервью, суҳбат, ҳисобот ҳақида тушунча беради, унда мазкур жанрларнинг давлат ва жамият тараққиётида тутган ўрни, уларнинг халқаро аҳамияти борасида фикр юритилади, энг асосийси, бўлғуси журналистга ахборот тўплаш, ахборотни қайта текшириш, суҳбатлашиш маданияти, ёзиш, таҳрир қилиш ва бошқа касб сирларини аниқ мисоллар воситасида ўрганишга кўмаклашади.

ОГОҲЛИК

Юртимизда куз фасли ҳукм сураётган бир пайтда кўча-куйлар, очиқ майдон, тураржой мавзелари олдида хазон барглари учратасиз. Бу бир жиҳатдан кузнинг ўзига хослигини эслатса, иккинчи жиҳатдан озгина эътиборсизлик оқибатида ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Шифокорлар айни бу ҳолат инсон организми учун хатарли эканини айтишади.

Ёнғин хавфсизлиги ҳаёт гарови

Шу мақсадда айни пайтда Яккасарой туман ИИБ ЁХБ ҳам ёнғинларнинг олдини олиш, бу борада аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жойларда содир бўлаётган ёнғинлар кўпинча аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларда содир бўлиб, бу фуқароларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиқаётир. Бунга сўнгги пайтларда уйларда қўлбола электр иситиш воситалари ёки носоз иситиш печларини ёқиб, назоратсиз қолдириш, кўчадаги ахлатларни ёқиб юбориш, маст ҳолатда тамаки чекиш сабаб бўлмоқда. Аҳоли турар-жойларида печ ва газ асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини бажариш, болаларни ёлғиз уйда қолдирмаслик энг муҳим вазифалардан саналади. Мутахассисларнинг айтишича, баъзида ёнғиннинг келиб чиқишига ота-оналарнинг ўзлари айбдор бўлишади. Улар фарзандларини қаровсиз қолдиришади, ҳатто, боланинг қўлидаги гугуртга ҳам эътибор беришмайди.

Шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда тураржой биноларининг ёнғинга қарши ҳолатларини мустаҳкамлаш ишларига маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ҳам эътиборни кучайтиришлари талаб этилади. Бунда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаган хонадон эгаларини маҳалла қўмиталари ёрдамида ҳал этиш, очиқ майдонларни йиғилиб қолган хазонлардан тозалашда туман "Махсустранс" корхоналарини хабардор қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир фуқаро ёнғин офатини олдини олишга эътибор берса, ўз уйларимизни, мол-мулкимиз ва фарзандларимиз ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўламиз.

Даврон ҚОДИРОВ,
Яккасарой туман ИИБ ЁХБ инспектори

АНЖУМАН

Тилшуносликнинг долзарб масалалари

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида "Роман-герман тилшунослигининг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги олий таълим даргоҳининг ўқитувчи ва профессорлари, Самарқанд, Андижон, Гулистон, Наманган ва бошқа барча вилоятлардан келган мутахассислар, тилшунос олимлар иштирок этишди.

Тил — миллат кўзгуси. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида қанча кўп тил билса, илм олиш имконияти шунчалик кенгаяди, янгидан-янги манба ва маълумотларга эга бўлади. Айниқса, шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда хорижий тилларни билиш заруратга айланмоқда. Юртимизда ҳам талаба-ёшларга чет тилларни ўргатишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада ЎзДЖТУ, Самарқанд ва Андижон чет тиллари институти ва барча вилоят университетларида хорижий филология факультетлари мавжуд бўлиб, уларда юқори малакали мутахассислар етишиб чиқмоқда. У ерда таҳсил олаётган талабалар нафақат илмий даража олади, балки ўз билимлари бўйича турли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда. Хусусан, юртимиздаги энг йирик таълим муассасаси ҳисобланмиш Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетини битириб чиқаётган ёш мутахассислар ҳам мамлакатимиз довруғини таратмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, хорижий тилларни ўқитиш ҳамда ўрганишда ахборот ва янги технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, замонавий компьютерларни ўзлаштириш ҳам чет тилларни ўқитишда интерфаол методлардан бири саналади. Тадбирда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш, тилшуносликнинг бошқа фанлар билан узвий боғланиш хусусиятлари, тилда нутқ хатоларини ўрганиш тарихи, инглиз тилини ўрганишда интерактив методларнинг роли, нутқ маданияти ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди. Тадбир давомида мазкур таълим даргоҳининг француз филологияси факультетида фаолият юритган профессор Муҳаммад Абдураззоқовнинг 70 йиллик хотирасига бағишланган бадиий кеча бўлиб ўтди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

МАЪНАВИЯТ

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Қорақалпоқ бахшиси

Бахшилар — халқ фазилатларини ўзида мужассам этиб, унинг туйғулари, орзу-истаклари ҳамда турмушини достон ва термаларда бадиий жонлантириб, яна халқнинг ўзига қайтарувчи нодир санъат эгаларидир. Уларни табиат ва халқнинг ўзи тарбиялаб етиштиради. Шу боис халқимиз ўз бахшилари ижодини ғоятда қадрлаб, эъзозлайди.

Марҳамат МАТВАФАЕВА, суҳбатлашди

Атоқли адибимиз Ойбек бахшиларни «Халқ оғзаки ижоди бойликларининг хазинадорлари» дея юксак баҳо бергани бежиз эмас. Айни пайтда ўзига хос услубий йўналишга эга бўлган Хоразм, Қорақалпоқ, Сурхондарё бахшичилик мактаблари бор. Бу мактаблардан Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Фозил шоир, Абдулла Нурали ўғли, Бола бахши, Қодир бахши Раҳимов, Қаландар Норматов каби бир қанча номдор бахшилар етишиб чиққан. Бахшиларимиз орасида эл оғзига тушган бахши аёлларимиз ҳам бор.

Бугунги суҳбатдошимиз эл назарига тушган, «Қорақалпоқ бахши қизи» деб ном олган, дунё саҳналарида қўлида дутору дўмбира билан достон, қўшиқ ва термалар куйлаб, лол қолдираётган Гулнора Аллаберганова бўлади. 2004 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг мусиқашунослик факультетини тамомлаган Гулнора ҳозирги кунда Генжебой бахши номидаги Қорақалпоқ «Мухаллес» дуторчилар ансамблида фаолият олиб бормоқда.

- Қорақалпоқ бахшиларидан кимларни ўз устозингиз, деб биласиз?

- Қорақалпоқ халқ бахшиси Турғунбой Қурбоновни бахшичилик йўналиши бўйича устозим деб биламан. Устоз менга «Беш парда», «Гулбоғ», «Уллизабон», «Салтиқ», «Якка бошли», «Севар ёр», «Еттасрим», «Беклар», «Номиш», «Дамбермас», «Орухон», «Мухаллас», «Сарвиноз», «Эшбой», «Қол энди» каби жами 200 дан ошиқ достон-қўшиқларни ўргатган. Дутор чалиш бўйича Жапақ Шомурадов номидаги Нукус Давлат мусиқа билим юрти мусиқа ўқитувчиси Бозорбой Сафарбоевни устозим деб биламан. Устозларим менга куйлашни, дуторчилик сирасрорларини ипидан игнасигача ўргатишган, десам муболаға бўлмайди.

- Ўз бахшичилик йўналишингиз бўйича дунёнинг қайси давлатларида бўлгансиз ва қандай муваффақиятларни қўлга киритгансиз?

- 2001 йилда Ҳиндистонда ўтказилган халқаро мусиқа фестивалида қатнашиб фахрли ўрин олдим. Ўша йили ёз ойида хоразмлик санъаткорлар билан ҳамкорликда Франция, Швейцарияда, кейинчалик 2005 йилда Голландия, Бельгия, бутун Европа бўйлаб «Буюк Ипак йўли» фестивалида қатнашиб, фахрли ўринлар совриндори бўлиб қайтдим. Мумтоз қўшиқлар бўйича ўша йили айнан мен ҳақимда «Қорақалпоқ бахши қизи» деган кинофильм олинди. Бу шахсан менинг учун кутилмаган катта совға бўлди. 2003 йили Самарқандда ўтказилган Халқаро Шарқ тароналари фестивалида «Офарин» совринини қўлга киритдим.

- Қайси достонлар ва шоирлар ижодидан фойдаланасиз?

- «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Ошиқ ойдин», «Хирмондали» каби халқ достонларига тез-тез мурожаат қилиб тураман. Келинг, шу ерда «Алпомиш» достонидан бир парчани эсга олайдик. «Сурун кунда «Бойчибордан» (яъни отдан) Барчиной ўз ёри Алпомишни сўраб турган жойи.

Сурилдинг баланд тоғнинг тошига,
Аллоҳ эте кўзимда ёшинга.
Алпомишнинг хабарин бер, Бойчибор
Ташлаб келдинг қайси тоғнинг тошига».

Шоирларга келсак, қорақалпоқ классик шоири Бердақ Дарғабой ўғли, туркман классик шоири Махтумқули, қорақалпоқ классик шоири Ажиниёз Қосибой, Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов шеърларидан фойдаланаман. Қаранг, Иброҳим Юсупов Ватан ҳақида нима деган:

«Ватан деган киндикдан қон томган ер,
Ватан деган отамакон туққан ер».
Ёки Ажиниёз Қосибойни олинг:
«Хаёл этсам менинг кўнглим,
Эгарланган отга мегзер.
Бир дўстингдан кўнглинг қолса,
Ғалет ёзган хатга мегзер».

Махтумқулининг мана бу сатрлари деярли ҳаммага ёд бўлган:

Эр йигитнинг бир муроди от бўлар,
От бўлмаса юрагида дард бўлар.
Ул йигитнинг оғайниси ёд бўлар
Бошдан бахти тойиб, моли бўлмаса.

Бердақ Дарғабой ўғлининг эса мана бу сатрларини қўшиқ қилганман:

«Барчани яратган қодир Худойим,
Берсанг, бу бандангга хақлиқ йўлин бер.
Эгри юрсам ортар менинг гуноҳим,
Бул қалбингга тўғрилиқнинг нурин бер».

- Чанқовуз билан ҳам хиргойи куйлар чалар экансиз?

- Чанқовуз қорақалпоқчада «чинқобус» дейилади, Чанқовуз - чанг-тилчали, жаҳоннинг турли халқларида турлича номларда кенг тарқалган ноёб чолғу асбобидир.

Душманларга найза бўлиб отилдинг,
Кенг бозорда юз минг тилло сотилдинг.
Куйлаганда булбулдай нола қилдинг,
Созлар ичра ягонасан чанқовуз.

Бу чанқовуз ҳақида айтилган халқ қўшиқларидан бири. Чанқовуз билан достон, қўшиқлар айтилмайди, балки хиргойи куйлар чалинади. Мен унда «Қўнғирот», «Оқчингул», «Етим қиз» ва бошқа куйларни чаламан. Бу куйларни чалганимда, дардларимни, узоқ ўтмишда қорақалпоқ халқининг бошидан ўтказган кунлари, мовий денгизга туташиб кетган бепоён чўлларнинг нақадар гўзаллиги, шамолларда тебраниб турган гиёҳлари, ўт-ўланлари, дов-дарахтлари, мавж уриб оқаётган Жайҳунининг тўлқинлари, соф севги ва муҳаббатни, ошиқларнинг дарду фиғонларини чанқовуз воситасида куйлайман.

- Ҳозирги кунда миллий эстрада йўналишида куйланаётган қўшиқларга муносабатингиз қандай?

- Миллий эстрада куй-қўшиқларини бизнинг достон йўналишидаги бахшиларимиз айтадиган қўшиқлар билан асло таққослаб бўлмайди. Буни халқимиз жуда яхши билади. Ҳақиқий санъатнинг умри боқийдир. Халқ яратган достон, терма ва лапарлар неча асрлардан буён оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ўлмас қўшиқлардир. Халқ ижоди битмас-туганмас хазина. Уни дилдан куйлаб, маромига етказиб, асл ҳолида яна халққа қайтариш катта меҳнат ва фидойилик талаб этади.

Бахшили эл ботир дейди бошидан,
Чин куйласа, одам кетмас қошидан.
Ҳамма ҳунар ўрганилар ёшликдан,
Элу халққа мадад бўлган бахшилар.

САНЪАТ

"Ўзбеккино" тақдим этади

30 га яқин жамоатчилик кино тарғибот гуруҳи аъзоларига гувоҳномалар топширилди

Мамлакатимизда кино санъатини янада ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий руҳиятимиз, қадриятларимиз акс этган, бугунги куннинг долзарб масалаларини кўтара олган кинофильмлар яратилаётгани, соҳа вакиллари ижоди муносиб тақдирланаётгани диққатга сазовордир.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан айни пайтда бир қатор оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар, кино мутахассисларининг ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг бугунги киночилигимиз ютуқ-камчиликлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида 30 га яқин киношунос жамоатчилик вакиллари танланиб, уларга гувоҳномалар тақдим этилди. "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг жорий йилги буйруғи билан тасдиқланган Низомга кўра, ушбу ахборот хизмати жамоатчилик кино тарғибот гуруҳи аъзоси Республикадаги киносарой, кинотеатр ва бошқа кино намойиши билан шуғулланувчи корхоналарга ташриф буюриб, фильмларни томоша қилиш, томошабинлар билан мулоқотга киришиб, уларнинг фикрини ўрганиш, матбуотда эълон қилиш, киностудия, ижодий гуруҳларда бўлиб, фильм суратга олиш жараёнлари билан танишиш, тегишли мақолалар тайёрлаш, ОАВда чиқишлар уюштириш ҳуқуқларига эга.

МУТОЛАА



Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши

шу номли китобда мухтасар, асосли ва оммабоп баён қилинган

Ўзбекистон тарихи фанининг қўлга киритаётган муваффақиятларида, шубҳасиз академик Э.Ртвеладзенинг катта ҳиссаси бор. У ҳозирги замон китобхонларига Марказий Осиё халқлари ўтмиши тўғрисида илмий асосланган билимларни етказиш ниҳоятда муҳимлигини жуда яхши биларди. Агар шу мавзуга доир адабиётлар нисбатан камлиги ва унга қизиқиш ғоят катталиги ҳисобга олинса бундай асарлар ўқувчилар эътиборини дарҳол тортиши шубҳасиз.

Акмал САИДОВ, профессор

Э.Ртвеладзе тарихий адабиётга қизиқувчи китобхонлар эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилаётган олимдир. Унинг «Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши» китобининг лотин алифбосидаги иккинчи нашри мамлакатимизнинг кўҳна тош давридан бошлаб, XIX аср ўрталаригача бўлган тарихига бағишланган. Китоб бундай камтарона номланишига қарамасдан ўз хусусиятига кўра ўқувчилар ва тадқиқотчилар учун монографик тадқиқот ҳисобланади. Асарда барча муҳим тарихий даврлар - бронза даври, илк темир даври, қадимий Парфиян, Юнон-Бақтрия, Кушон, Хоразмийлар давлатлари тарихи юксак илмий малака ҳамда билимдонлик билан ёритилган. Асарда Зулқайнар юришлари тарихи, Буюк Ипак йўли тарихи ва унинг Ўзбекистон халқларининг тарихидаги роли, илк Ўрта аср давлатлари муаммолари, мўғуллар истилоси ва унинг тарихий оқибатлари, Соҳибқирон Амир Темур давлатининг шаклланиши ва Темурийлар тарихи хусусида ишонарли ва мароқли тарзда ҳикоя қилинган.

Китоб оммабоп хусусиятга эга бўлганлигига қарамасдан, унда турли тарих фанлари: археология, манбаашунослик, шарқшунослик, нумизматика ва эпиграфиканинг барча энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу асар китобхонлар кенг доирасига мўлжалланган ва оммабоп шаклда баён этилган ижтимоий фанлар соҳасидаги Ўзбекистон тарихига тааллуқли биринчи китобдир.

Тарихсиз фан бўлмайди. Бу оддий қоида давлатлар, халқлар ва цивилизациялар тақдирида қайта ва қайта такрорланади. Мазкур масала, айниқса, собиқ иттифоқ ҳудудидаги мустақил давлатларга нисбатан тегишлидир. Ушбу мамлакатларда миллий ва давлат қурилиши ғоят жадал кечмоқда. Тарих, тарихий онг бевосита миллий ғояни шакллантирувчи, миллатни бирлаштирувчи ўта муҳим воситага айланмоқда. Бу тарихий қонуният Ўзбекистонга нисбатан ҳам жуда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон давлатчилигига бундан уч минг йил илгари пойдевор қўйила бошланган. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг тарихи Миср ва Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистон каби қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Э.Ртвеладзенинг китоби Ғарбда Каспий денгизи, Шарқда Помир тоғлари ҳамда жанубда Амударё билан Копетдаг тоғлари, шимолда Қозоғистон чўллари ўртасида жойлашган Марказий Осиё минтақасидаги тарихий воқеаларни қамраб олган. Муаллифнинг изоҳ беришича, қадимда бу ҳудуд «Авесто»да тилда олинган тур қабилалари номидан келиб чиққан бўлиб, «Турон» деб аталган. Араблар бу минтақа бир қисмини «Мовароуннаҳр» деб юритганлар. Ўрта асрларда эса у «Туркистон» номини олди. Мана шу ҳудудда кўҳна даврларда ва илк Ўрта асрларда милоддан аввалги икки минг йиллардан бошлаб ҳудудий-жуғрофий, хўжалик-маданий, сиёсий-ҳуқуқий омиллар ва этник яхлитлик асосида шаклланиб борган тарихий-маданий бирликлар пайдо бўлган. Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Марғиона, Даван (Фарғона), Чоч (Тошкент вилояти) уларнинг энг йирикларидир.

Ҳақиқатдан ҳам бу тарихий-маданий жиҳатдан ривожланган минтақа илмий, маданий, ҳуқуқий, таълим ва диний билимларни тўплаш, умумлаштириш ҳамда ўзининг қулай жўғрофий жойлашуви сабабли уларни Машриқ билан Мағриб ўртасида айирбошлашда ниҳоятда муҳим чорраҳа ролини ўйнаган.

Муаллиф китобхонларни тарих қаъридан ўрин олган кўҳна ўлкалар бўйлаб қизиқарли саёҳатга чорлайди. Жумладан, ўқувчи Буюк Искандар билан Марказий Осиёга хаёлан юришда қатнашади. Э.Ртвеладзенинг таъкидлашича, юнон-македонияликлар маҳаллий аҳолининг қақшатқич қаршилигига дуч келганлар. Бироқ китобда қайд қилинганидек, «Янги маҳаллий давлатчилик туғилиши ва шаклланишида Искандар Зулқайнарнинг юриши бу жараённи тезлаштиришга кўп жиҳатдан хизмат қилиб, муайян ижобий роль ўйнаган». Бу саркарда вафотидан сўнг пайдо бўлган, Юнон-Бақтрия ва Парфия давлатларида иқтисодиёт, ҳунармандчилик, маданият, товар-пул муносабатлари кенг ривожланган, юнонлар ва маҳаллий халқлар маданиятлари бир-бирини бойитган. Агар китобхон ушбу даврга доир тарихни янада чуқурроқ эгаллаш ниятида бўлса, унга тақриз қилинаётган асардан бироз илгари нашр этилган «Александр Македонский в Бактрии и Согдиане» китобини тавсия этамиз.

«Ўзбекистон тарихининг ўтмиши» орқали китобхон шаҳарлари, маданияти, савдо-сотиғи, ҳунармандчлиги тараққий этган, буюк меъморчилик дурдоналари барпо этилган Кушон салтанати тўғрисида жуда кўп қизиқарли маълумотлардан хабардор бўлади.

Муалллиф ўз асарининг «Буюк Ипак йўли» бобида сўғдликлар бу савдо йўлини ўзлаштиришда буюк роль ўйнаганликлари хусусидаги ғояни илгари суради. Зеро, қуруқлик ва денгиз йўллари тизими орқали фақат савдо карвонларигина қатнамасдан, бир-биридан жуда олисда бўлган маданият ва цивилизациялар ўзаро боғланган, маънавий қадрият ва диний ғоялар ўзаро таъсир ўтказган. Академик Э.Ртвеладзенинг фикрича, Буюк Ипак йўли - кўҳна цивилизациянинг энг ажойиб ютуқларидан биридир, чунки инсоният тарихида илк бор, икки минг йилдан кўпроқ вақт илгари Ўрта ер денгизидан Тинч океанигача бўлган мислсиз кенгликларда турли мамлакат ва халқларни бир-бири билан бирлаштирган. Шу ўринда бундан бир неча йил илгари Тошкентда мазкур муаллифнинг Буюк Ипак йўлига бағишланган қомусий асари чоп этилганлигини эслатиш жоиздир.

Э.Ртвеладзе ўз асарида Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Ўзбекистонда кўҳна даврлар ва Ўрта асрларда ёзувнинг бир қанча: бақтрия, сўғд, хоразм, турк, брахма, кхароштха турлари тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтиради. Олимнинг ҳисоблашича, бу ҳудудда кўҳна даврларда истиқомат қилган турли халқларнинг юксак маънавий маданияти, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасидан далолатдир.

Э.Ртвеладзе ўз асарида Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Ўзбекистонда кўҳна даврлар ва Ўрта асрларда ёзувнинг бир қанча: бақтрия, сўғд, хоразм, турк, брахма, кхароштха турлари тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтиради. Олимнинг ҳисоблашича, бу ҳудудда кўҳна даврларда истиқомат қилган турли халқларнинг юксак маънавий маданияти, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасидан далолатдир.

Китобда, шунингдек қадимий дин — зардуштийликка оид қимматли маълумотлар келтирилган ҳамда сиёсий жиҳатдан бирлашиш ва давлатчиликни шакллантириш, душманга қарши қатъий курашишга даъват этилган ноёб тарихий манба - «Авесто»га мазмундор тавсиф берилган.

Муаллиф ишонарли тарзда исботлаб берганидек, Ўрта асрлардаги сиёсий воқеалар буюк давлатларнинг Амударё билан Сирдарё ўртасидаги ҳудудни қўлга киритиш учун рақобатлашишлари билан боғлиқ бўлган.

Асарда Амир Темурнинг тарихий майдонга чиқиши, таркибига Марказий Осиёдан ташқари Яқин ва Ўрта Шарқнинг Ўрта ер денгизидан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган барча ҳудудлар кирган буюк давлатни ташкил этишига доир воқеаларга кенг ўрин берилган.

Мазкур давр марказлаштирилган давлат тизими барпо этилиши, Марказий Осиё Мовароуннаҳрга Шарқнинг турли мамлакатларидан аҳолининг энг ижодкор ва бунёдкор тоифалари кўчиб келиши, фан ва маданиятнинг мисли кўрилмаган даражада равнақ топиши, савдо ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамланиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон тарихи жаҳонда давлатнинг тарихий ривожланишига доир тайёр нусха ва моделлар йўқлигидан ёрқин далолат беради. Кенг қамровли иқтисодий, маънавий интеграциялаш жараёнига қарамасдан дунёда тузилиши бўйича бир хил давлат бўлмаган ва бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир давлат бетакрордир. Бу халқнинг ўзига хос маданияти, унинг тарихий ва маънавий ривожланиши хусусиятлари билан боғлиқ. Биз сўз юритаётган асарда бу таъсирчан мисоллар, жонли тасвирланган тарихий воқеалар орқали кўз олдингизда гавдаланади.

Китоб ўзига хос безатилганлигини ҳам таъкидлаш керак. Унда қирққа яқин суратлар бўлиб, бу тасвирлардаги турли тарихий даврларга оид моддий ва маданий ёдгорликлар ўша кўҳна замонлардаги воқеаларни чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Умуман олганда мазкур асар Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчилар учун жуда қимматли ва муҳим маълумотлар беради. Китоб Ўзбекистон тарихи бўйича тадқиқотлар олиб бораётган мутахассисларга ғоят нодир манба вазифасини ҳам ўташи шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифнинг «Ўзбекистон тарихининг ўтмиши» асари жуда муваффақиятли ва новаторча иш деб баҳоланишга лойиқ. Китобнинг илмий мазмундорлиги, унда Ўзбекистон тарихининг энг асосий даврлари тизимли баён этилганлигини алоҳида таъкидлаш даркор. Муаллиф археолог, тарихчи, шарқшунос ва ҳуқуқшунос олимларнинг энг сўнгги тадқиқотлари натижаларини ҳам ҳисобга олган. Буларнинг ҳаммаси «Ўзбекистон тарихининг ўтмиши» асари тарих фани ривожига катта ҳисса қўшиш имконини беради.



ЖАРАЁН

ҚАРОР ВА ИЖРО

Адвокатура институти такомиллашмоқда

Яқингача адвокатура ва адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар ташкил этарди. Ушбу қонунлар адвокат ҳуқуқлари ва кафолатларини, унинг фаолияти ҳамда ижтимоий ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Лекин улар адвокатуранинг ташкилий мустақиллиги, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, мустақиллигини кучайтириш, адвокат обрўси ва нуфузини ошириш учун етарли эмас эди. Бундан ташқари фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлай олмас эди. Энди-чи? Энди ҳолат буткул ўзгарди: адвокатнинг ҳуқуқи, обрўси, ҳимояси юксак даражага кўтарилди.

Президент Ислом Каримов 2008 йил 1 майда "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни қабул қилди. Ушбу Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йил 27 майда Мазкур тузилмани ташкил этилишининг ҳуқуқий асосини белгиловчи "Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" Қарорни қабул қилди. Ана шундан сўнг Наманган вилоятида ҳам Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ташкил этилди. Ҳудудий бошқарманинг туман (шаҳар)лардаги адвокатлик тузилмалари учун ҳам маъмурий бинолар ажратиш ва уларни жойлаштиришни ташкил этиш бўйича 2008 йил 2 июлда Наманган вилояти ҳокими фармойиш қабул қилди. Унга асосан туманларда ҳам адвокатларни бино билан таъминлаш ва уларга жой ажратиш масалалари ҳал этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 9 мартда қабул қилинган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори эса мамлакатимизда қайта ислоҳ этилган адвокатура институтининг мақомини ташкилий жиҳатдан белгилаб берди. Жумладан, ушбу қарорга асосан иккита муҳим ҳужжат, яъни "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида" ва "Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар бугунги кунда давлатимизда адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳамда адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий асос саналади.

Шу билан биргаликда, адвокат стажёри ва адвокат ёрдамчиси фаолиятини ташкил этишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2009 йил 27 мартда "Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида" ҳамда "Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлади.

2009 йилнинг январь ойига қадар вилоят адлия бошқармаси томонидан 206 нафар фуқарога адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилди. Шундан 2 нафарига такрорий лицензия берилди. 10 нафар адвокатнинг вафот этганлиги сабабли лицензияларини амал қилиши тугатилди. 60 нафар шахс томонидан олинган лицензиялар адвокат бўлиб ишламаётганлиги сабабли, 13 нафар адвокатнинг лицензиялари эса ўз аризаларига асосан тугатилди.

Наманган вилояти адвокатлик тузилмаларида ишлаётган 95 нафар адвокат малака имтиҳонини қайта топширди. 4 нафари малака комиссияси аъзоси бўлганлиги сабабли малака имтиҳони топширишдан озод қилинди. 5 нафари бошқа вилоятларда малака имтиҳони топширди. 14 нафар адвокат малака имтиҳонидан ўта олмади, унинг 3 нафари қайта малака имтиҳони топшириб, лицензия олди.

Натижада 103 нафар адвокатга янги намунадаги лизенция ҳамда 101 нафар адвокатга адвокатлик гувоҳномалари топширилди. Улар адвокатлик қасамёдини қабул қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура соҳаси ислоҳ этилишига қадар бу мақомга эга бўлган ва адвокат сифатида фаолият кўрсатиб келган ҳуқуқшуносларни қайтадан малака имтиҳонларидан ўтказилиши айни муддао бўлди. Чунки бу жараёнда вилоятимизда фаолият олиб бораётган айрим адвокатларнинг ҳанузгача амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бўйича етарли билимларга эга бўлмаганлиги, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, адвокат касб этикаси қоидаларига риоя этмаётган, амалдаги фармон ва қарорлар, қонунларни поймол қилаётганлар ҳам бор. Масалан, "Адолат қўрғони" вилоят адвокатлар ҳайъатида фаолият кўрсатиб келган адвокат С.Исақов 2009 йил 24 апрель куни Палатанинг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака имтиҳонида комиссия аъзолари томонидан берилган саволларга етарли даражада жавоб бера олмаганлиги сабабли малака имтиҳонидан ўта олмаган. У адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақомини берувчи гувоҳномаси йўқ бўла туриб ҳам ноқонуний равишда фаолият кўрсатиб келган. Бу ҳолат Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро М.Абдуллаева томонидан вилоят адлия бошқармасига ёзган аризаси орқали аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда адвокатура институтининг такомиллаштирилиши, энг аввало, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва рўёбга чиқаришга қаратилган янада самарали механизм яратиш йўлида ташланган навбатдаги муҳим қадамдир.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Дастурлар амалда

Ёқубжон ЭРГАШЕВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Соғликни сақлаш соҳасидаги туб ислоҳотлар туфайли жойларда аҳолига замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Бешариқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқхона бўлими 100 ўринга эга. Шундан 75 ўрин туғруқ учун, 25 ўрин ҳомиладор аёлларни сақлаб туришга мўлжалланган. Туғруқхонада Бутунжаҳон соғликни сақлаш ташкилоти тавсия этган дастурлар асосида ишлар олиб борилмоқда. Булар «Бехатар оналик дастури», «Кўкрак сутини тарғиб ва ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш дастури», «Чақалоқлар реанимацияси дастури», «Соғлом туғиш мезони» каби дастурлардир.

- 2006 йилда кўкрак сути билан боқиш бўйича сертификат олинди ва туғруқхонамиз чақалоқларга дўстона муносабатдаги туғруқхона мақомига эга бўлди,- дейди биз билан суҳбатда туғруқхона бўлими мудири Одина опа Деҳқонова. - Туғруқхона тумандаги 47220 нафар туғиш ёшидаги аёлларга хизмат қилади. Исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш борасида контрацептив воситалар билан қамраб олиш тўғри йўлга қўйилган. Туғруқ бўлимида 2007 йилда 4038 нафар ҳомиладор қабул қилинган бўлса, 2008 йилга келиб 3852 нафарни ташкил этди.

Патологик туғруқлар сони 2007 йилда 2355,8 тани ташкил этган бўлса, 2008 йилда 2225,5 та етди.

Туғруқхонада қўлланилаётган дастурлар ўз самарасини бермоқда. «Бехатар оналик дастури»да туғдириш жараёнида аёлларнинг яқинларини иштирок этиши, дори-дармонсиз амалга оширилиши, чақалоқларга туғилган заҳоти она кўкрагини бериш (совқотишни олдини олиш) чақалоқларни оналар билан туну кун бирга бўлишининг таъминланиши, оналар ва чақалоқлар ўртасидаги касалликларни келиб чиқишига бевосита барҳам бермоқда. Ана шундай тадбирларнинг натижаси ўлароқ сўнгги йилларда чақалоқларнинг перенатал ўлим кўрсаткичи анча пасайди. 2007 йилда 6,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 5,2 фоизга камайди.

Туғруқхонадаги аёлларнинг 97 фоизи 20-30 ёш атрофидагилар. Туғиш ўртасидаги интервал ҳам тегишли маъёрларга жавоб беради: биринчи бор туғувчи аёллар 49,7 фоизни ташкил этади. 1-2 йил орасида туғувчи аёллар деярли йўқ. Туғруқхонага 2008 йил август ойидан бошлаб, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича «Осиё тараққиёти» банки кредити ҳисобидан энг замонавий аппаратлар олиш бошланди. Булар сирасига наркоз ҳамда чақалоқларга мўлжалланган махсус жиҳозлар киради.

Замонавий ускуналар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти перенатал марказларида ўз тажрибаларини ошириб келдилар. Бу борада акушер-гинеколог Х.Турғунова, Н.Усмонова, Г.Саидаҳмедова, неонетолог катта ҳамшира М.Умурзоқова, туғруқ зали катта дояси Л.Матмусаева, З.Аҳмедова ва М.Солиева ўзларининг самимий хизматлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бўлим Юртбошимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан бир қатор режалар ишлаб чиқиб, уларни сидқидилдан адо этмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, Шукрулло Ботиралиев раҳбарлик қилаётган туман соғликни сақлаш бўлими ходимлари ишига омад тилаб қоламиз.

tR

МУЛОҲАЗА

Вақт шиддат билан жуда тез ўтаётгандай. Вақтга қўшилиб, фурсат ҳам, имкониятлар ҳам оқиб бормоқдаки, бундан бўш вақтни топиш амримаҳол. Аслидачи? Аслида ҳар бир юмушни ўз вақтида бажариб, режа асосида иш қилсак, албатта бўш вақт топилади. Хўш, ҳар кунги ишдан ажратган бўш вақтингизни қандай ўтказаяпсиз? Бу борада олимларнинг фикри якдил: катта ёшдаги инсонлар кўпроқ иш билан машғул бўлса, ёшлар андак ўйинқароқ бўлишаркан.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қайтиб келмас фурсат

бўш вақтдан унумли, самарали фойдаланиш учун нима қилмоқ керак?

Бугунги куннинг долзаб масалаларидан бири – бу ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдир. Бола уйида зерикиб қолса, у укаси ёки синглисининг ғашига тега бошлайди, бу ҳам етмаса уйни «бошига кўтариши» ҳам ҳеч гап эмас. Айрим ота-оналар фарзандини овутиш мақсадида турли ўйинчоқлар олиб беришади. Лекин бу ҳам болага акс таъсир қилиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга кирмайди. Мисол тариқасида қуйидаги воқеани келтирамиз. Бир ота-она шўҳроқ боласини овунтириш учун велосипед олиб беради. Кейинроқ бола айрим шартлар билан бирга мотоцикл олиб беришни ҳам талаб қилган. Бинобарин бўш вақт замирида шахс ва бутун жамиятнинг ривожи, кишиларнинг маънавий бойлиги, соғлик, ҳаётни янада мазмунли ва ранг-баранг қилиш сингари чексиз имкониятлар мавжуд.

– Бугунги кунда бошқармамиз фаолиятида ҳам энг муҳим масалалардан бири болаларнинг бўш вақтини самарали ўтказишдир. Хусусан, янги ўқув йили вазирлик томонидан "Халқ таълими тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги" деб номлангани бежиз эмас,- дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Умид Эгамбердиев. – Таътилларни мазмунли ўтказиш режасига мувофиқ жорий ўқув йилида қарийб 4 миллион ўқувчи-ёшлар (71,7 фоиз) турли йўналишдаги тўгаракларга жалб қилинди. Шунингдек, умумтаълим мактабларида давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари ва ўқувчиларни мактабдан ташқари турли таълим муассасалари, тарихий обида ҳамда музейларга саёҳат уюштириши ҳам белгиланган. Бундан ташқари ҳар йили ўқувчиларнинг қизиқишига кўра тўгараклар сонини кўпайтириш ва уларни мазмунан янгилашга ҳаракат қиламиз. Масалан, саёҳатшунослар тўгараги қошида адабий ўлкашунос тўгараги ташкил этилди. Бу орқали ўқувчи-ёшлар республикамизнинг турли ҳудудидаги маданий меросларни ўрганиш имкониятига эга бўлишди.

Бугун ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Айни пайтда "Оила-мактаб- маҳалла" ҳамкорлиги ҳам келажагимиз эгаси бўлган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиши, бўш вақтини фойдали ишларга сарфлашига хизмат қилаётгани аҳамиятга молик. Бунда мактаб ўқувчиларини тўгаракларга жалб қилиш, иқтидори, салоҳиятини оширишга эътибор қаратса, ота-она фарзандини назорат қилиши, тўгаракларга қатнашишига кўмаклашиши лозим. Маҳалла эса ўқувчиларнинг жамиятдаги роли, жамоа ишларида фаоллигини таъминлайди. Зеро, бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам онадир.

Юртимиз аҳолисининг аксарияти қишлоқ жойларида истиқомат қилишини инобатга олсак, ўқувчи-ёшларнинг кўп қисми ҳам айнан шу минтақаларга тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича, уларни маълум бир спорт тури билан шуғулланишига, тўгаракларда ўзлари қизиққан соҳага оид кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтириш керак.

– Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида тадбиркор Нагима Аширова ташаббуси ва ҳомийлиги билан маҳалламизда болалар майдончаси ташкил қилдик,- деди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Янги авайхон" маҳалла раиси Дилмурод Юнусов. – Энди маҳалламиз ёшлари бўш вақтини кўча чангитиб, бекорга сарфламай, мазкур майдончада спорт билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари майдонча атрофига экилган дарахтларни дид билан парвариш қилишмоқда.

– Айниқса,- дейди Д.Юнусов, - жорий йил "Наврўз" умумхалқ байрамида маҳалла фаоллари туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ҳомийлар билан ҳамкорликда маҳалла болаларидан таркиб топган футбол жамоасининг ёш пахтакорчилар билан ўтказган мусобақасини ёшларимиз мароқ билан эслашади. Бундан ташқари ёшларнинг талаб ва истаклари асосида миллий терма жамоамиз ўйинчилари Анзур Исмоилов, Фарҳод Тожиевлар иштирокида давра суҳбати ташкил қилдик.

Мактаб билан ҳамкорликда ташкил этилган таэквандо ва кураш тўгаракларида ёшлар билан доимо гавжум, тикувчилик тўгараклари эса қизларимиз хизматида. Бундай саъй-ҳаракатлар тез орада ўз самарасини берди. Яқинда маҳалламиз полвони Муниса Жўраева самбо бўйича ёшлар ўртасида республика чемпиони бўлди. Демак, бундай тадбирлар ёшларнинг спорт билан шуғулланишини таъминласа, иккинчидан, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази мутахассиси Шуҳрат Насимовнинг фикрича, фарзанднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун махсус кун тартиби бўлиши ва болани шу тартиб асосида тарбиялаш керак.

– Афсуски, айрим ота-оналар бунга эътибор беришмайди. Зеро, режа асосида олиб борилган иш самаралидир,- дейди Шуҳрат Насимов. – Дейлик, фарзандимиз мактабдан келгандан сўнг овқатланиб, бир муддат ташқарида футбол ўйнайди. Лекин бунинг учун маҳаллада спорт майдончаси борми? Хизмат сафари билан жойларда бўлганимизда баъзи одамлар маҳалла олди ёки уйида кичик спорт майдончаси яратиш ўрнига бирор маҳсулот экишни афзал билади. Хўш, оилавий даромад яхши, аммо боланинг айни қизиқиши, келажаги ҳақида қачон ўйлаймиз?

Мустақиллик туфайли ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши, билим олишига эътибор кучайди. Бугун фарзандларимиз спорт билан бемалол шуғулланишлари мумкин. Маълумотларга кўра, спорт билан ҳамнафас тутинган бола тез ва аниқ фикрлаб, ҳаётга жиддий қарайдиган бўлади. Аммо баъзи спорт иншоотларига борсангиз, яратилган имкониятга нисбатан кам сонли болалар борлиги маълум бўлади. Бунга асосий сабаб айрим ота-оналар спортнинг моҳияти, аҳамиятини ҳис қилмаётганидир. Ахир, ўйлаб кўринг, фарзандингиз спорт билан шуғулланиб, соғлиги, тарбияси яхшиланса бунинг нимаси ёмон? Баъзи хонадонларга кирсангиз, фарзандига китоб олиб бериш ўрнига жавонларни биллур идиш-товоқлар, қимматбаҳо чойнак ва пиёлалар билан безатилганини кузатасиз. Болалар кутубхонаси ҳақида гап-сўз ҳам йўқ. Кўпчилик ота-оналар ҳамма айбни мактабга юклаб қўяди. Лекин бола вақтини кўпроқ оилада ўтказади. Дастлабки тарбия кўникмани оиладан олади.

Уч нафар фарзанднинг онаси, шифокор Дилбар Жўрақулованинг айтишича, ишларнинг кўплигидан унда умуман бўш вақт бўлмайди.

– Болалар тарбияси билан кўпроқ мактаб шуғулланади,- дейди суҳбатдошимиз. – Ахир бу ўқитувчиларнинг вазифаси-ку. Ҳозир жойларда ихтисослашган мактаблар очилган. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчи дарсдан кейин махсус фанлар бўйича чуқурроқ таълим олади. Шунга яраша уйга берилган топшириқлар кўпаяди, уни соатлаб бажариш керак. Бундан кўринадики, болани бўш вақти ўз-ўзидан камаяди. Агар шунда ҳам бекор қоладиган бўлса, уй ишларига қарашади, дам олиш учун телевизор кўради.

Гулҳаё Ҳуснидин қизи, Собир Раҳимов академик-лицей талабаси:

– Ёшлигимда жуда қизиққон ва шўх бўлганим учун ҳаммадан билмаган нарсаларини сўрайвериб, бошини қотириб юборардим. Кунларнинг бирида отаонам мени мусиқа мактабига ўқишга беришди. Нега мени мусиқа мактабига бераяпсиз, деб сўраганимда онам буни шундай изоҳлаганди:

"Кунларнинг бирида улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бир бемор болани даволамоқчи бўлиб, роса уринсалар ҳам даволашнинг иложи бўлмабди, бола вафот этибди. Шунда ибн Сино бунинг сабабини билиш мақсадида танани очиб кўришга аҳд қилибди. Не кўз билан қараса, боланинг юрагига парда тушган ва айнан шу юракни уришдан тўхтатиб қўйган экан. Бу ҳолни кўрган бобокалонимиз "Агар шу болага уриб чалинадиган мусиқа асбоби (доира) ёки танбур чалишни ўргатганимда бундай ҳолат юз бермаган бўларди" деган экан. Бу билан ҳамма мусиқа мактабига бориши керак, демоқчи эмасман, аммо бирор миллий мусиқа асбобини ўргансак, фойдадан холи бўлмасди.

Раъно Ҳакимжонова, Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети талабаси:

– Инсон моддий эҳтиёжини қондириш учун овқатланади, бўш вақт эса маънавий камолотга эришиш ва руҳиятимизга озуқа бериш учун берилган. Кўпчилик бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун китоб ўқиш, театрга бориш керак, деб ўйлайди. Аслида бўш вақтни қандай ўтказиш, яъни руҳимизга маънавий озуқа бериш турлича бўлиши мумкин.

Бўш вақтимда кўпроқ ўзимдан ёши каттароқ, ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар билан суҳбатлашаман. Бундан ташқари маданий ҳордиқ чиқариш учун "юки оғирроқ" театрларга бораман. Ҳозир одамларнинг театрларга қизиқиши ортган, дейишади. Аслида шундайми? Яқинда бир театрга бордим. Саҳна асарида асосан оиласидан бахт кўрмаган аёл қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Спектаклнинг иккинчи қисми бошланган пайтда кўпчилик томошабин "бу кулгили эмас экан, биз комедия томоша қилиш учун тушгандик" деб театрни тарк этишди. Бундан хулоса шуки, томошабин бўш вақтини нимага сарфлашга эмас, вақт ўтказиш учун тушишган, десак тўғрироқ бўлади.

Вақт абадий ҳақиқатдир. Унинг олтин дақиқаларини ҳеч кимса на тўхтата ва на орқага қайтара олади. Вақт шундай бебаҳо бойликки, уни сотиб ҳам ололмайсиз. Шу боис "қайтиб келмас онлар"ни бирон бир фойдали ишларга сарфланг. Зеро, халқимизда вақтинг кетди – нақдинг кетди, деган гап бор.

Бугун ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Айни пайтда "Оила-мактаб- маҳалла" ҳамкорлиги ҳам келажагимиз эгаси бўлган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиши, бўш вақтини фойдали ишларга сарфлашига хизмат қилаётгани аҳамиятга молик. Бунда мактаблар ўқувчиларни тўгаракларга жалб қилиш, иқтидори, салоҳиятини оширишга эътибор қаратса, ота-она фарзандини назорат қилиши, тўгаракларга қатнашишига кўмаклашиши лозим. Маҳалла эса ўқувчиларнинг жамиятдаги роли, жамоа ишларида фаоллигини таъминлайди. Зеро, бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам онадир.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

Иқлим ўзгариши ва қуёш фаоллиги

ердаги ўртача йиллик ҳароратга таъсир қилиб, дов-дарахтларнинг ўсишини тезлаштирган

Айни пайтда мазкур масалалар дунё олимларини жиддий хавотирга солмоқда. Куни кеча Лондонда ривожланган мамлакатлар делегациялари иштирокида ҳамда Сингапурда ташкил этилган халқаро анжуманда ҳам иқлим ўзгаришининг олдини олиш масаласига эътибор қаратилди. Ҳадемай, декабрь ойида БМТ шафеълигида Копенгагенда ҳам атмосферага газ исларини чиқариш ҳажмини камайтириш борасида янги битим имзоланиши кутилмоқда.



Ҳозирги кунда АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Индонезия мамлакатларида ҳам иқлим ўзгаришининг олдини олишга қаратилган маблағларни кўпайтириш ва ис чиқариш ҳажмини камайтириш борасида қатор ҳужжат ва қарорлар имзоланган. Дания пойтахтида бўлиб ўтадиган йиғилишда қабул қилинадиган янги ҳужжат ўз кучини йўқотадиган Киото баённомаси ўрнини эгаллайди. Кузатувчиларнинг фикрича, аввалига АҚШ бир неча мамлакатлар қатори Киото баённомасига риоя қилмаётган мамлакатлар рўйхатида эди. Эндиликда эса Океан ортидаги бу давлат ушбу масаланинг долзарблигини тушунган ҳолда ўз муносабатини ўзгартирди.

Маълумотларга кўра, АҚШ ҳукумати шу йилнинг 31 август-4 сентябрь кунлари Женевада ўтказилган иқлим ўзгариши муаммоларига бағишланган халқаро анжуман таъсиисчиларидан бири саналади. Давлат департаменти билан океан ва атмосферани тадқиқ қилиш миллий маъмурияти мазкур анжуманни ўтказиш учун қарийб ярим миллион доллар маблағ ажратган. Собиқ президент Жон Кеннеди ҳам 1960 йилларда иқлим ўзгариши хусусида ўз фикрини билдирар экан, бу айнан инсоният қўли билан юзага келтирилаётган муаммо дея ҳақ гапни айтганди. Бугунги вазият шу даражада ўзгарганки, иқлим ўзгаришига ҳеч бир давлат бефарқ қарай олмайди. Дунё океани сатҳининг кўтарилиб бораётгани ва бунинг оқибатида юз бераётган тўфон ва бўронлар, сув тошқинлари инсониятга катта хавф солмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, айнан иқлим ўзгариши қурғоқчилик, очарчилик, қолаверса, офат ёпирилиб келган ҳудудда можароларнинг юзага келишига замин яратмоқда. Баъзи ороллар сув остида қолаётганлиги туфайли одамлар ўз уй-жойларини тарк этиб, иқлим қочқинларига айланмоқда.

Соҳа ходимларининг айтишича, биргина АҚШ ишбилармон доира вакиллари иқлим ўзгариши хавфини камайтириш мақсадида шамол генератори билан ишловчи қурилма, қуёш батареяси ва аккумулятори билан ҳаракатланувчи гибрид автомобилларини яратиш учун давлатдан имтиёзли кредитлар олмоқда. Уй-жой муассасаларида, маиший электр асбобларини ишлатиш чоғида электр қуввати сарфини камайтириш учун миллиардлаб доллар маблағ ажратилаётир. Бу албатта, маҳаллий аҳолининг коммунал тўловларини иқтисод қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Олимлар минтақаларда содир бўлаётган ёнғинлар иқлим ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатаётганини билдиришган. Аниқланишича, ўрмонларнинг ёниши оқибатида атмосферага чиқаётган карбонод кислотаси саноат чиқиндиларининг 50 фоизини ташкил этади. Бунда осмонга чиқаётган ёнғин тутунлари атмосферанинг юқори қатламларини катта ҳажмдаги куйинди зарралари билан тўйинтиради. У эса қуёш нурида қизиб, атрофдаги ҳавони қиздиради. Бу табиат флорасининг бузилиши, атмосферадаги парник газларга жиддий таъсир этмай қолмайди.

Биолог олимлар иқлим ўзгариши муаммолари устида тадқиқот олиб борар экан, мазкур жараён дов-дарахтларнинг ўсишини тезлаштиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатаётганини аниқлаган. Олимлар 1953 йилда экилган арчани 2006 йилда арралаб компьютер дастури ёрдамида унинг қалинлиги ва ёшини ўлчаб кўришди. Сўнгги тадқиқот шуни кўрсатадики, ҳақиқатан иқлим ўзгариши ва қуёш фаоллиги ошганлиги туфайли бу дарахт ўсиши тезлашган. Бундан ташқари, қуёш ва шамолнинг таъсири ер юзидаги ўртача йиллик ҳарорат ва ёғингарчиликларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Қуёш нурлари баъзи минтақалардаги океан сувларини иситиши ва кучли шамолларни келтириб чиқаришга қодир.

Иқлим ўзгаришининг яна бир кўриниши – атмосферанинг ифлосланишидир. Ҳозир сайёрамиз атмосфераси чанг ва заҳарли газлар билан қопланиб бормоқда. Бу эса ерга етиб келадиган қуёш нурларининг йўлини тўсиб, ёруғликнинг бир қисмини коинотга қайтариб юбормоқда.

Яқин вақтларгача ер атмосферасида кечаётган глобал қоронғулашишни аксар мутахассислар инкор этиб келишарди. Яқинда ориж телеканалларидан бири космосдан туриб суратга олинган глобал қоронғулашиш намойиш этилган. Унда қуёш нурларининг Ҳинд океани ҳудудларига тушаётган ёруғи анча хиралашгани яққол акс эттирилганди. Маълум бўлишича, 3 км. қалинликдаги атмосферанинг "қора парда"си Малдив ороллари устида қуёш ёруғлигини қарийб 10 фоизга камайтирган. Картинада ифлосланган булут қатламлари Хитой ва Ҳиндистон осмонида осилиб тургани кўринган. Мутахассисларнинг огоҳлантиришича, инсоният атмосферанинг ифлосланишининг олдини олишга жиддий эътибор бермаса, вазият оғирлашиши мумкин. Бунинг оқибатида 2040 йилга бориб Амазонка ҳавзаси саҳрога айланади, Европада эса Шимолий Африка об-ҳавоси ҳукм суради. Глобал қоронғулашиш Шимолий ярим шардаги океан сатҳини совитади. Оқибатда атмосферадаги жараёнлар ўзгариб, қурғоқчилик бошланади ва кучли тошқинлар рўй бериши мумкин.

Олимлар томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларда аниқланишича, қуёш нурларининг ерга тушиш изчиллиги 1950 йилларга нисбатан 22 фоизга пасайган. Хусусан, қуёш энергияси даражаси Европада 8, Америкада 10, Россияда эса 30 фоизга камайган. Кузатувларга кўра, қуёш энергияси таъсирида рўй берадиган сувнинг буғланиши ҳам сезиларли даражада пасайган.

Соҳа мутахассислари Антарктикадаги абадий музликларнинг тезкорлик билан эриб бораётганлиги борасидаги даъволарни рад этар экан, бунга хулоса чиқаришга ҳали эрта деб айтган. Маълумки, музликларнинг эриши ер қатламининг кўтарилишига олиб келади. Бу ўз навбатида иқлим ўзгаришига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Яқин-яқингача олимлар 2030 йилга бориб Шимолий қутбда абадий музликлардан асар қолмайди, деган гап-сўзларни тарқатишган эди. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Арктикадаги музликлар 5 миллион квадрат километрга қисқарган. Жорий йилнинг баҳор ва ёзида бу жараён тезлашгани кузатилган. Иқлимшунослар ернинг сунъий йўлдоши орқали 1979 йилдан буён Арктикадаги музликлардаги ўзгаришни мунтазам кузатиб келмоқда. Жорий йилда музликларнинг эриши камайгани кузатилса-да, бу иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида жойларда барча кучлар сафарбар этилаётганлигидан далолат бермайди. Бундан ташқари Колорадо штати тадқиқотчилари НАСА агентлиги билан ҳамкорликда тадқиқот олиб борар экан, Арктикадаги кўҳна музликларнинг кўп қисми "йўқ бўлган"и, фақат қиш даврида муз қатламининг бор-йўғи 10 фоизигина сақланиб туришини аниқлашган. Бу музликлар бор-йўғи 2 ёшда бўлиб, қалинлиги 2 метрни ташкил этади. Бир неча йил олдин пайдо бўлган муз қатламлари қалинлиги 3 ва ундан ортиқ метр бўлган.

Хуллас, Арктикадаги абадий музликлар ҳақида олимлар турлича фикр билдирмоқда. Айрим иқлимшуносларнинг айтишича, Арктика 2030 йилга бориб абадий музликларсиз қолар экан. Бу ҳақиқатга яқинми, йўқми, албатта вақт кўрсатади.

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Қора денгиз

ва унинг сир-синоатлари хусусида

1927 йил 11 сентябрдан 12 сентябрга ўтар кечаси Қримда кучли зилзила содир бўлган. Унинг кучи 9 балл бўлиб, маркази Ялтадан 25 км. узоқликда жойлашган. Ўшанда табиий офат оқибатида келиб чиққан вайронагарчилигу талофатлар ҳаммага маълум. Бироқ, ана шу зилзила оқибатида яна бир ҳодиса юз берганки, у узоқ вақтгача негадир сир сақланган: ўшанда Қора денгиз ёнган...

Қора денгиз сир-синоатларга лиммо-лим. Унинг пайдо бўлиши ҳам ўзига хос: бундан беш минг йил аввал ер қобиғининг сурилиши ва иқлимнинг ўзгариши (қисқа музлик даврида) оқибатида «Қадимги қора денгиз ҳовузи» пайдо бўлган. Олимлар кейинги уч минг йилликда табиатнинг «тинч-осуда»лиги боис, «Қадимги қора денгиз ҳовуз»и замонавий кўринишга эга бўлган, дейишмоқда. Қора денгизнинг энг бош аномалияси — олтингугурт (сероводород) қатламидир. У кислород танқислиги боис органик моддаларнинг ёйилиши натижасида келиб чиққан. Денгиз сувининг 80 фоизини олтингугурт ташкил этади. У тез ёнувчан ва тез эрийдиган модда бўлиб, ҳаво билан аралашганда портлаши ҳам мумкин. Халқаро океанологларнинг тадқиқотига кўра, бугунги кунда олтингугурт қатлами 50 метрга кўтарилган. Мутахассислар яқинда Қора денгизнинг атиги 30 метр чуқурлигида ҳам олтингугурт борлигини аниқлашди. Бироқ, шундай бўлса-да, табиатнинг яна бир мўъжизаси шундан иборатки, сув таркибида олтингугурт қанчалик кўп бўлмасин у денгиз сатҳига чиқмайди. Денгиз сатҳидаги ана шу қатлам қирғоқда ҳаётни давом этишига сабабчи бўлади. Денгиз тарихига назар солинса, неча юз йилдан буён олтингугуртнинг сув сатҳига чиққани ёки инсониятга зарари етгани ҳеч кузатилмаган. Балки хавотирга ўрин йўқдир? Аммо Тинч океанидаги бошқа «ҳовузлар»ни ўрганиш жараёнида тўплаган хулосалар хавотирланишга асос бўлиши мумкин.



Масалан, 1980 йили Перу қирғоқлари ўлган балиқлар билан тўлиб кетган. Натижада балиқ заҳираси олти баробарга камайган ва бу ҳам етмаганидек денгиздан ўтаётган кемалар қоп-қорайиб кетган. Буларнинг ҳаммасига олтингугуртнинг сув сатҳига чиқиб кетиши сабаб бўлган. Америкалик мутахассислар 1983 йили «спутник»дан Ер шарини кузатишганида, Қора денгиз сувини қоп-қора рангдаги, олтингугурт қоплаганини кузатишган. Яна бир мисол: Камерунда 1986 йили — Ниос қирғоғида яшовчи 1746 киши атмосферага бўғувчи газнинг тарқалиши оқибатида ҳалок бўлган...

Тадқиқотчилар Қора денгизни кўп марта текширишган ва ҳар сафар янгидан-янги маълумотларга эга бўлишган. Масалан Қора денгиз тубида ҳақиқий хазина бор деган мишмишларга ҳам деярли жавоб топишган. Дарҳақиқат, денгиз тубидан 500 га яқин кема, самолёт, вертолёт ва бир қанча сув ости кемалари топилган. Яна шуниси қизиқки, сув остида олтингугурт бўлгани боис, у ерда на бир чувалчанг, балиқ ёки на бир микробнинг ўзи йўқ. Шунинг учун денгиз тубида кема қолдиқлари ва одам суяклари бус- бутунлигича сақланиб қолган.

Олимлар Қора денгиздаги олтингугуртнинг қандай тўпланиши-ю қандай тарқалишининг сабабини ҳалигача аниқлолмаяптилар. Юқорида эслатганимиздек, 1927 йил 11 сентябрдан 12 сентябрга ўтар кечаси зилзила оқибатида Қора денгиз чиннакамига ёнган. Бу ҳолат олимларни ҳанузгача ҳайратга солади. Крим ҳудудида ер силкиниши тахминан 70-100 йилда бир маротаба рўй бераркан. Айрим олимларнинг фикрича, сув ёнғинига нафақат зилзила ёки тектоник ҳаракат, балки Қора денгиз атрофидаги мамлакатлардан денгизга ҳар йили юз минг тоннага яқин органик ва неорганик моддаларнинг ташлаб юборилиши ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Касалликни даволагандан кўра, олдини олган маъқул, деганларидек, олимлар айни пайтда асосий эътиборни ана шу омилга қаратишмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

"Ида"га қарши операция

Сальвадорда "Ида" тўфони оқибатларини бартараф этиш учун кенг миқёсидаги қутқарув операциялари бошланган.

"France-Presse" тарқатган маълумотларга кўра, табиий офат қарийб 200 кишининг ҳаётига зомин бўлган, яна қарийб 80 нафар одам дом-дараксиз кетган. "Ида"дан, айниқса, Сан-Висентеда истиқомат қилувчи аҳоли кўп азият чеккан. Хабарларга қараганда, Сан-Сальвадор, Ла-Пас, Ла-Либертад ва Кускатлан ҳудудларидаги қарийб 15 минг аҳоли турар-жойидан айрилган. Мамлакат президенти Маурисио Фунес табиий офатдан зарар кўрган одамларга озиқ-овқат, тиббий асбоб-анжомлар етказиш мақсадида кенг миқёсида операция бошлашга кўрсатма берган. Унда Сальвадор армияси ҳам жалб этилган.

Жиддий ислоҳотлар зарур

Россия президенти Дмитрий Медведов мамлакат нефть ва газга боғланган иқтисодидан янги, юқори даражали цивилизация томон ўсиши кераклигини айтган.

"Биз замонавий, ўзига хос билим, янги товарлар ва технологиялар, бир сўз билан айтганда, одамлар учун фойдали бўлган товарлар ишлаб чиқарадиган иқтисодни барпо этамиз», деган у Москвада ўтказилган йиғилишда. "ИТАР-ТАСС" ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, давлат раҳбари айни пайтда асосий эътиборни мамлакатдаги мавжуд ижтимоий муаммолар қаратиш лозимлигини билдирган. Қолаверса, ҳозир жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз пайтида пухта ўйланган дастурлар, режаларгина иқтисодни оёққа турғизиш, миллионлаб одамларни иш билан таъминлашга имконият яратади.

"Виртуал алоқа" бўлими

Эронда интернет устидан назорат янада кучаяди.



Эрон полицияси томонидан интернетда тарқатилаётган ёлғонларга қарши курашиш мақсадида "виртуал алоқа" жиноятлари билан шуғулланувчи янги бўлим очган. Ҳукумат буни интернет орқали содир этилаётган жиноятлар кўпайиб бораётгани билан изоҳлаган. Эрон полиция бошлиғи Исмоил Аҳмад-Муқаддамнинг айтишича, интернетни назорат қилиш аҳолининг мазкур тизимдан фойдаланиш имкониятини чекламайди. Бу борада ташкил этилган махсус комиссия интернетдаги янгиликлар ўзгаришларни таҳлил қилиб боради.

Катта Манчестерда рейд

Буюк Британияда 5 нафар шубҳали шахслар террорчиликка алоқадорликда гумон қилиниб, қўлга олинган.

"The Guardian" газетасининг ёзишича, қарийб 40 нафар полиция ходимлари жалб этилган операция Катта Манчестернинг бир нечта туманида ўтказилган. Рейдлар давомида Манчестердаги учта хонадон ва Болтон шаҳридаги улкан ҳовли тинтув қилинган. Расмий маълумотларга кўра, айни пайтда мазкур ҳудудларда террорчилик хавфи йўқ. "Reuters" агентлиги хабарига қараганда, қўлга олинганлар 21, 26, 27, 52 ва 62 ёшлар атрофида. Жорий йилнинг апрель ойида ҳам Англиянинг шимолий-ғарбий ҳудудида худди шундай рейдлар ўтказилганди.

Болалар ўсмоқда

БМТнинг болалар масалалари бўйича агентлиги — ЮНИСЕФ тарқатган маълумотларга кўра, сўнгги 20 йил давомида болалар саломатлиги, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилган.

Унга кўра, 1990 йилларда Осиёдаги болаларнинг қарийб 30 фоизи ўз ёшига нисбатан жуссаси кичик, вазни енгил эди, бугунга келиб бу кўрсаткич учдан бирини ташкил этмоқда, холос. Бироқ Африка мамлакатларида яшаётган ҳар уч боладан бири ўсишдан ортда қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай болаларнинг сабоқ олишлари мушкул кечади, катта бўлишгач, ишлашлари ҳам осон бўлмайди. БМТ ҳисоботида гўдакнинг икки ёшдан кейин организм учун зарур калорияларни истеъмол қилиши муҳим экани таъкидланади. Чақалоқ туғилганидан кейинги дастлабки минг кунда етарли микро ва макро озуқа билан таъминланиши бўй ўсиши ва ривожланишида муҳим омил бўлади.

Йирик форум

Сингапурда Осиё-Тинч уммони иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди.

22 давлат раҳбарлари иштирок этган форумда асосий мавзу сифатида — глобал молиявий таназзул асоратларини енгиш ва эркин савдони жадаллаштириш масалалари муҳокама этилган. Унда Австралия Бош вазири Кевин Руднинг минтақада Европа Иттифоқига ўхшаш тизим яратиш ҳақидаги таклифи кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Саммит чоғида иқлим ўзгариши ва Афғонистондаги вазиятлар ҳам жиддий муҳокамаларга сабаб бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

КЎЗГУ

ФАОЛИЯТ

Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади.

Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги, кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

Қулай ва ишончли хизмат

туфайли Халқ банки мижозлари сафи кенгаймоқда

Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши молия муассасалари фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бутун дунёни қамраб олган глобал муаммо — молиявий-иқтисодий инқирознинг бизнинг мамлакат иқтисодиётига хавф сололмай, аксинча уни четлаб ўтаётганини бугун фахр билан эътироф этиш мумкин. Шу ерда бунинг сабаби нимада, деган ҳақли саволнинг туғилиши табиий. Ягона сабаб — муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида Инқирозга қарши чоралар Дастурининг ўз вақтида ишлаб чиқилиб, уни амалда татбиқ этилгани ва бутун диққат-эътиборнинг ана шу муаммони олдини олиш масаласига қаратилганидадир.

Мазкур дастур асосида аниқ белгилаб берилган мақсад-вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириб, улкан ижобий ўзгаришларга эришаётган, бунинг натижасида аҳоли турмуш даражаси янада фаровонлашиб, асосийси буларнинг барчасида республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг, хусусан давлат тижорат Халқ банкининг хизмати катта бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлат тижорат Халқ банки томонидан 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида муҳтарам Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 13 февралида бўлиб ўтган "Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари"га бағишланган йиғилишдаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни янада ривожлантириш, банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш борасида банк тизими олдига қўйган аниқ, устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилди.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда Халқ банки томонидан 2009 йилнинг 9 ойи давомида банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, активлар ҳажмини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк филиалларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш, иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган самарали тадбирлар натижасида банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 20,9 млрд. сўмга, яъни 118,0 фоизга ортиб 136,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Юртимизда сўнгги йилларда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ана шу мақсад йўналишларида, яъни халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга 30,1 млрд. сўм, ялгуржи ва чакана савдони ташкил қилиш учун 31,5 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланди. Шу асосда Дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли ўртасида фаровон турмушни таъмин этишда асосан банкларнинг фаол иштирок этиши кўзда тутилган. Ана шу мақсад бўйича Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан банк филиали томонидан 26,3 млрд. сўмлик (режа 16,6 млрд. сўм, 159,7 фоиз) кредитлар ажратилди. Шундан қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 6,4 млрд. сўм, тадбиркорлик субъектларига иссиқхоналар ташкил этиш мақсадида 2,4, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига 1,9, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига жами 15,6 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди.

Шунингдек, банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан жами 22,2 млрд. сўмлик (режа 20,2 млрд. сўм, 110,3 фоиз) кредитлар ажратилган, шундан ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 7,5 млрд., ишлаб чиқариш корхоналарига хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 12,3, тадбиркорлик субъектларига иссиқхона ташкил этиш учун 2,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиб берилди.

Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида банк томонидан жами 18,5 млрд. сўмлик (режа 15,1 млрд. сўм, 123,2 фоиз) бизнес лойиҳалар молиялаштирилди.

Шуниси қувонарлики, банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар эвазига қўшимча 84,8 мингта янги ишчи ўрни яратилди. Булардан ташқари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга 137,3 млрд. сўм йўналтирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва бошқа акциядорларнинг маблағларидан ажратилган мақсадли маблағларни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга оид янги лойиҳаларни инвестицион кредитлашга йўналтириш ҳамда 2008 йилнинг 28 ноябридаги Президент Фармони асосида ташкил этилган иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлар дастурини амалга оширишнинг мониторинги ҳамда тизими назоратини таъминлаш мақсадида, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг "Автохўжаликни қайта қуроллантириш" инвестицион лойиҳаси мақсадли маблағлар ҳисобига тўлиқ молиялаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилнинг 20 январь ҳамда 2007 йилнинг 19 февралидаги Германия Тараққиёт банки ҳамда Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида "Тошкент (Тўқимачи) - Ангрен" темирйўл участкасини электрлаштириш лойиҳаси амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари асосида "Ўзбекистон темирйўллари" Давлат акциядорлик темирйўл компаниясининг капитал қурилиш дирекциясига "Янгиер-Жиззах йўналишида икки йўлли ва Янгиер-Фарҳод йўналишида бир йўлли электрлаштирилган темирйўл линиясини қуриш ҳамда "Тўқимачи-Ангрен темирйўл участкасини электрлаштириш" объектлари қурилишига мақсадли айланма маблағларини тўлдириш учун банк кредити ажратилди.

Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кенгайтириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк филиаллари ликвидлигини таъминлаб бориш борасида мақсадли тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида банк ресурс базаси йил бошига нисбатан 297,9 млрд. сўмга ортиб, 740,5 млрд. сўмни ташкил этгани ҳам мазкур банк ва унинг филиалларида ишнинг тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир.

Бугунги кунда халқ банки томонидан турли шарт ва қоидаларга, фоиз ставкалари ва муддатларига асосланган жами 39 турдаги омонатлар фуқароларга таклиф этилмоқда. Мазкур омонатларга 106,0 млрд. сўм жалб қилинди.

Банкнинг 3584 та филиали, мини-банк жамғарма ва махсус кассалардан иборат кенг тармоғи орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга фаол депозит хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, банкнинг махсус жиҳозланган 17 та "Сайёр банклари" ва 200 та "Сайёр кассалари" мунтазам равишда, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қишлоқ ва маҳаллаларга чиқиб, сифатли банк хизматлари кўрсатилиши ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан 120 121 та пластик карточкалар эмиссия қилиниб, уларнинг сони 280 048 тага етказилди. Шундан, пластик карточкага эгалик қилувчи 95 653 нафар банк мижози иш ҳақи лойиҳаси бўйича банк хизматларидан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари жойларда 11 та "Инфокиосклар" ва 4 та банкоматларнинг иш фаолияти ташкил этилди ва бугунги кунда улар мижозларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобни амалга ошириш учун жойларда 3265 та, шу жумладан 379 та банк муассасаларида, 2886 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига терминаллар ўрнатилиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Асосийси, улар кўрсатилаётган хизматнинг бу туридан мамнун.

Шунингдек, аҳолига банк депозитларидаги маблағлари доирасида уларга нақд пул маблағлари берилишини таъминлаш мақсадида банк кассасига нақд пул тушумини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтиш мумкинки, коммунал тўловлари масаласида ҳам Халқ банки қўллаётган усул самарали бўлиб, ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Яна рақамларга мурожаат этамиз. Аҳолининг коммунал тўловлари 120,5 млрд. сўмни ташкил этиб кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 32,9 млн. сўмга фоиз ҳисобида 138,0 фоизга ошди. Банкнинг жойлардаги 371 та махсус кассаси, 13 та махсус сайёр банки ҳамда 200 га яқин кўчма кассалари орқали жорий йилда хизматнинг бу тури учун ҳам 33,7 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар қабул қилишга эришилди.

Банк томонидан мижозлар учун ҳисоб рақамларини масофадан бошқариш тизими "Интернет банкинг" дастурий таъминотининг жорий этилиши нафақат мижоз учун ўз ҳисоб рақамларини мониторинг қилиш, пул ўтказиш ва қабул қилиш, балки бошқа бир қатор қўшимча хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ҳам яратди.

Маълумотларга назар ташлар эканмиз Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида иш юритаётган Халқ банки тизимда фаолият юритаётган кадрлар масаласига, яъни уларнинг билим, савия ва тажрибасини ошириш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга ошираётганининг гувоҳи бўламиз. Биргина жорий йилда уларнинг турли олий ўқув даргоҳларида жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Олий бизнес мактаби, Банк молия академияси, Минтақавий банк ўқув, Марказий банк ўқув ва Халқ банки ўқув марказлари, Молия институтининг малака ошириш курси, Маънавият ва маърифат, Кадрлар тайёрлаш халқаро марказлари ҳамда ҳудудий филиалларида бошқарувнинг масъул ходимлари томонидан ташкил этилган семинар машғулотларида қатнашиб ўз билим ва малакаларини оширишгани фикримизга мисол бўла олади.

2009 йил мобайнида банк мавқеини кўтариш мақсадида халқаро нуфузга эга "Standard&Poor's" халқаро рейтинг компаниясининг рейтингини олиш бўйича шартнома имзоланган эди. Бугун шуни фахр билан эътироф этиш мумкинки, мазкур халқаро рейтинг компанияси томонидан жорий йилнинг 6 августида Халқ банкига узоқ ва қисқа муддатли "В/В" "Барқарор" кредит ва депозит рейтинглари берилди.

2009 йилнинг 1 октябрь ҳолатига банкнинг ликвидлик коэффициенти 74,3 фоиздан иборат бўлиб, ушбу кўрсаткич йил бошига (70 фоиз) нисбатан 4,3 фоизга ортди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган талаб ва эҳтиёжини янада ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида дадил қадам ташлаётган, халқаро эътирофга сазовор бўлган, асосийси, халқ ишончини қозонган, номига хос ва мос иш юритаётган республика давлат тижорат Халқ банкининг мижозлари сафи кенгайишига муҳими, уларга банк томонидан намунали хизмат кўрсатилишига бир сўз билан айтганда, уларнинг эртаси бундан-да ёруғ бўлишига шубҳа қилмасак бўлади.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎГИТ

Эҳтиёт не? Ишни салмоқлаш демак,
Икки тадбирдин бирин танлаш демак.

* * *

Шукр агар жон эрса, неъмат пўст анга,
Шукр ила келгай висол дўст санга.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Хитойлик император Цин Ши Хуанд эрамиздан аввалги 213 йили мамлакатдаги бор китобни ёқишни буюрган.

* * *

1610 йили Мадакаскарда Раламбо исмли подшох Имерин номли давлатни барпо этган. («Имерин» сўзи — «кўз кўролганича» маъносини англатаркан.)

* * *

Франциянинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Сен-Мишель ҳудуди кунига 2 марта орол, 2 маротаба ярим орол ҳолатига келаркан. Бунга Атлантика океанидан келадиган кучли оқим сабаб бўлади.

ТУРФА ОЛАМ

Меркурийдаги вулқон излари...

Халқаро астрономлар гуруҳи Меркурийда вулқон изларининг ёшини аниқлашган ва уни исботлай оладиган далилларни келтиришган.

Олимлар ўз хулосаларини халқаро геологлар жамияти съездида баён этишган. Жорий йилнинг 29 сентябрида учувчи аппарат «Мессенджер»нинг учинчи бор Меркурий билан яқинлашган жараёнидаги олган тасвирлари текширилганида янги вулқон кратери аниқланган. Унга олимлар Twin деб ном беришди. Мутахассислар ушбу вулқон кратерини миллиард ёшда дейишмоқда. Авваллари эса олимлар Меркурийдаги вулқон жараёни тахминан 3 миллиард йил олдин сўнган деб изоҳлашган эди.

Митти динозавр

Полеонтологлар дунёдаги энг митти динозавр Шимолий Америкада 150 млн. йил аввал яшаганини аниқлашди.

ОАВ хабарларида ёзилишича, янги динозаврга олимлар «Fruitadens haagarorum» деб ном беришган. Мутахассисларнинг фикрича, ўша даврда ушбу динозаврнинг узунлиги 70 сантиметр, оғирлиги 1 кг.ни ташкил этган. У тахминан 150 миллион йил аввал Шимолий Америка ҳудудида яшаган. Аслида ушбу динозаврнинг қолдиқлари 1979 йили Колорадодан топилган эди. Кейинги 30 йил мобайнида у музейда сақланиб, олимлар томонидан текширилган ва мана шундай хулосага келишган.

Apple дан янгилик

ёки «Сеҳрли сичқон»

Apple корпорацияси дунёдаги энг биринчи мультисенсор бошқарувли сичқонни ихтиро қилди.

Янги қурилма «Magic Mouse» деб номланиб, у компьютерга симсиз Bluetooth орқали уланади. Бундан ташқари, сичқонда ҳеч қандай тугма йўқлиги боис фойдаланувчи уни бармоқлар ёрдамида имо-ишора билан бошқаради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унда яна электрни тежаш тизими ҳам жамланган бўлиб, у икки дона АА батарейкасида ишларкан.

Антарктикага саёҳат

«Синьхуа» агентлигининг хабар беришича, Хитой давлати яқинда Антарктикани ўрганиш учун экспедиция жўнатган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 251 нафар олим «Қор аждарҳоси» номли кемада Жанубий океан томон йўлга чиққан. Ушбу экспедиция 180 кун давом этиши мўлжалланиб, унда олимлар 59 та илмий лойиҳани бажаришни режалаштиришган. Бундан ташқари тадқиқотчилар 2010 йилнинг январь ойида Хитойнинг Антарктикадаги «Куньлунь» номли учинчи станциясини очишни кўзда тутишмоқда.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

"Greatmax kare" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "Greatmax kare" нодавлат таълим муассасаси бўлиб ўзгарди. Мурожаатлар 1 ой муддатда қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 403-24-12

ТАТУ РРТФ 4-босқич талабаси М.М.Абдулазизовга берилган 36Р002 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Голибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1023, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Дилноза ҲАЙИТОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.40.

1 2 3 5